6. Кадарийлар- Оллоҳ инсон фаолиятлари ва амалларининг ҳимоячиси эмас, деган нұктай назарда турувчилар турху.
7. Мотуридия- инсон яхши ва ёмон амаллари ўз эркига кўра танлаш ва бу йўлда Оллоҳнинг мададини олиши назариясини илгари сурувчи юя.

2- Мавзу бўйича умумий саволлар.

1. Антик дунё социологлари инсон мавқси тўғрисида қандай фикрларни илгари сурган.
2. Платон ва унинг социологик қарашлари.
3. Аристотель ва унинг социологик қарашлари.
4. Митроизм оқими тўғрисида нималарни биласиз.
5. Конфуцийлик ва унинг илгари сурган ғоялари.
6. Ал-Мотуридий ва унинг идеал жамият тўғрисидаги қарашлари.
7. Ал-Форобий ва унинг идеал жамият тўғрисидаги қарашлари.
8. Ал-Беруний ва унинг социологик қарашлари.
9. Иби Сино ва унинг социологик қарашлари.
10. Юсуф Хос Хожиб ва унинг жамият тўғрисидаги қарашлари.
11. Алишер Навоий ва унинг ижтимоий турух ва табакалар тўғрисидаги қарашлари.

З -МАВЗУ. ФАРБИЙ ЕВРОПА СОЦИОЛОГИЯ МАКТАБИ. XX АСР СОЦИОЛОГИЯСИ.

Река.

- 1 Социология нинг Европада фан сифатида вужудга келиши.
- 1 XIX аср охири XX аср бошидаги классик (мумтоз) социология
- 1 XX асрнинг 70-80 йилларида социологияда реалистик йўналишлар.

Адабиётлар.

1. Каримов.И.А. Баркамол авлод орзуси, Т. «Шарқ» 1999
1. Каримов. И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт тиравард максадимиз, Т. «Ўзбекистон» 2000
1. Каримов. И.А. Миллӣ истиқлол мағкураси. Т. «Ўзбекистон » 2000
1. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т «Ўзбекистон» 1997
3. Жўрасв Н. Тарих фалсафаси. Т. «Маънавият» 1999
6. Алиқориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. Т. «Ун-т» 1999
7. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон 1995
8. Бекмуратов М. Социология асослари. Т. «Фан» 1994
9. Холбеков А, Идиров У. Социология. Лугат. Т. «Иби Сино» 1999
10. Социология. Маврӯзалар матни. Т. 2000
11. История социологии. У. пособ. Мн. Высш. Шк . 1997
12. Тощенко Ж. Социология: М. 1999
13. Гидденс.Э Социология.Т., «Шарқ»2002.
14. Социология.Ўкув кўлланма,Т.2002.
15. Капитанов Э.А. Социология XX века.Растов-на-Дону,1996.
16. Социология Уч.пособия,М. «Тетра-системс»,1998.
17. Комаров М.С. Введение в социологию,М., «Наука»,1994.
18. Социология,М.,Изд. Объединение Юпити,1998.

Социология тарихи - жамият түркисшының түшүнчалар ва
тадрижий шакылшынганызың эволюциясының күрөштөр берүүнүн фанни
Социологияның тарихи

Социологиянинг фан сифатига нужуди келишига доир тацрижий босқиччарни ўрганиши бизни социологик тафаккур қизини маданиятига, уни жамият фойдасига ишлата билиншиликка ўргатди. Айникса, бу хозирги вақтда, Ўзбекистонимизнинг мустақилиги шароитиди. Социологиянинг мислий истиқлол мағкурасини фуқаролар онгига синдиришида мухимдир. Социология тарихи аждодларимизнинг руҳий кашияглари тўғрисидаги инсон ва иссонни ўраб тўрган ижтимойи мавжудлик тўғрисидаги тафаккур тарзлари кашдай бўлганингини разван кўрсатиб беради.

Кадим замонлардан буён жамиятнинг мавжудлиги ва ривожла-ниши тўгрисидаги билимлар Шарқ ва Фарб мутафаккирлари умумфаъсафий тояларининг асосий билими сифатида каралади. Жамият ривожи, сиёсат, ахлоқ, фан, дин ва санъат муаммолари тўгрисидаги ишмий карашилар Кадимги Хиндистон, Хитой, Юонон файласуфлари ўрга Осиё ва Европа мугафаккирлари томонидан айтиб ўтилган.

XVIII аср охири ва XX аср бошларидаги Европацаги социологик дүнекарааш харәттери ва мазмуну мазкур жамияттадык ижтимоий ўзгаришилар билан изохланады. Жамияттинг иктиносидий үзгаришилар тузилмалар наидо бўлди. Эски билимлар ўринине сиёсий хаётица янги шаклли фалсафий билимларда янтича ёндалинуар кучди бошлади. Характерлй томони шундаки, социология янги позитив Фалсафа табоилиларини асослаб берувчи фан сифатида майдонга чиқди. Жамият тузилиши тўғрисидаги мавжуд фалсафий сколастик ғоялар тақиидга учраб, унинг ўринига табиий фанлар методларига мос келувчи ижтимоий таджикотлар тақлият фетида босилиши.

Позитивизм ва позитив социология ассоции Отгост Конт (1708-1857) томонидан ёзилган ишлар орасында 5 жицдик «Позитив сисепт тизими» мұхым үріп шанды.

Ижтимоий физика ёки социология Конг фикрика, ижтимоий статистик (жамиттада түрген бўлган тўзилмашар) ва ижтимоий динамика (ижтимоий ўзгарувчунинг жараёни)дан иборат.¹

Контнинг түшүнгүрүшчичи, фалсафа аташнинг сабаби, улар фан маълум отларига асосланади. Позитивизмда энг асосий талаб көркөмдөн мак, балки иммий күзатувларга ҳамда табиий-иммий қараашларни и-объектических раксиз түшүнчалардан воз кечиш назарияни яратыпцир.

XIX аср Франциясидаги мавжуд сийсий түшүнмөвчилүктөрдөн кийинде жамияттын ошондуктарынан көрүп, интилди. Балки матьянив ўзгаришлар асосида ғаралганда да, интилди.

Конт тарихни харакатлантирувчи Күч инсоннинг онгирилеб деб хисоблайди. Унинг нуқтаси назарига Караганда, теологияк рух, алхокий ва сиёсий гояларни тоимо хурмат килиш учун зарурдид. Якни алоқ ва сиёсат түғрисидаги заводларни шинайе түрдеги мөнгистамал овардиги.

Фан тарақкүетининг метафизик босқичида жамиятдаги асосий бошқарув тақвепарини файласуфлар эгаллаб көсегланып. Бу босқич 1300 йилдан 1800

Иилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фанинг эмпирик кўзатув маълумотларнига мавжудотларниң моҳиятини мавҳум тавсифлаши билан характерланади.

Позитив босқич 1800 йилдан бошланади. Бу босқич илм фан ва олимийларнинг ижтимоий билим ва бошқарув назарияларининг устувор мавқеини касб этувчи босқичидир.

Францўз олимийларнинг хизмати шундаки, социология фаци дастурлари ва методларини илмий изланишлар воситаси сифатида аниклай олади. Континг фикрига кўра, социологиянинг предмети - бу ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятидир. У жамият тўғрисидаги табиий фанлар методологиясига, таъниши керак: олимийлар кузатув киёслари, тарихий, генетикий методларни кўллай билиши лозим. Ушбу методлар ичida тарихий ва қиёсий методлар кенг тарқалгац. Кузатув на эксперимент методлари эса XX асрга келиб кўлданила бошланди.

Континг жамият тараққиётини мувофиқлаштириш ва уни барқарорлаштириш муммомларига багишланган фикрлари катта ахамиятга эга. Унинг фикрича, жамиятдаги ўзаро мослик сиёсий, иктисолий, маънавий, биологик конуниятларга бояниб бўлиб, турли ижтимоий тизимлар бирлиги ва улар ўргасидаги мувофиқлик ҳисобига эришилади. Фан эса, жамиятнинг ҳамма соҳалар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг зарурий меъёрларини белгилаб беради.

Континг таъкидлашича, жамиятдаги ижтимоий мувофиқлик - бу шахслар ва ижтимоий қатламлар манфаатларининг бир-бираига мослинидир. Континг жамиятни яхлит организм сифатида тушуниши, мсхнатнинг ижтимоий адолат асосида тақсимланиши, ижтимоий барқарорлик шартлари ва омилилари, турли гурӯх ва қатламлар манфаатларни мослантиришда давлат ва шахсларнинг ўрни тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам муҳимдир.

Континг қарашлари инглиз олими - Герберт Спенсер (1820-1903) асарларида ўз ривожини топди. Спенсернинг 1862 - 1896 йилларда чоп этилган «Асосий манбалар» (1862), «Биологиянинг яратилиши» (1864-67), «Психологиянинг яратилиши» (1870-72), «Социологиянинг яратилиши» (1876-96), «Социология тадқикот предмети сифатида», «Этиканинг яратилиши» (1870-73) китоблари социология тарихида мухим ўрин тутади.

Спенсер Континг изидан бориб, социология фанисига ўзгариб турувчандик ва «бир маромдаги» эволюционизм яксаси киритди. Эволюция - бу одий нарса ва кучларнинг одий кўпайиши ёки камайишига олиб келувчи, хақиқий ракамни, сакрал ва танафуслар кетма-кетлигидан маҳрум бўлган жараёндир. Спенсер тақидалашича, исталган тизимнинг амал қилиш тарзи, ижтимоий организмнинг меъёрий ҳолати мувозанатидан иборатdir.

Спенсернинг фикрига кўра, исталган объектнинг эволюцияси Алокасизликдан Алокадорликка, бир тоифаликдан ҳар хил тоифаликка, ноаникликтан аниқликка бўлган даврни ўз ичига олади. Мувозанатнинг бузилиши асосида янги эволюцион жараёнга ўтувчи инкиroz бошланади. Ҳамма воеча ва ҳодисалар мана шу инкиroz ва тараққиёт цикли орқали юз беради.²

¹ Комаров М.С. Введение в социологию, М., «Наука», 1994, 36-бет

² История социологии, М., Высш.шк., 1998, 48-бет.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Спенсер синфий кўраш ва революцияни мувозаатдан оғиш ёки ижтимоий организмнинг касалиги деб этмоқ қиди.

Спенсер фикри бўйича, социологиянинг вазифаси - бу алоҳида шахсиярни, хоҳни ва интишиларни, уларниң иницивидаи жиҳатлари ва субъектив фикр уйларига қарамасдан амалга ошувчи эволюциони жарабёнларниң умумий контуриларини очиб берувчи, ижтимоий мавжудлікдир, омилларни ўрганишдан изборатдир.

Спенсер социологиянинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эквалигини хис этган ҳолда ижтимоий билимнинг объектив мураккабликларини алоҳида, кайд этди. Социология далилларни кўплаб матбуомотларни ўзаро киёслаш йўли билан ўрганиш мумкин. Спенсер учун ижтимоний далиллар - бу эволюцион жарабёнлар намобён қизадиган мавжудликларидир.¹

Спенсер XIX аср социологиянинг ичидаги биринчи ижтимоий тузим, ижтимоий институт, ижтимоий назорат терминларини киритди.² Ижтимоий институтлар инсонни жамоавий ҳаракатга кирнинг оладиган ижтимоий мавжуддотга айланисини таъминлайди.

Спенсер ижтимоий тараккиёт таъсири остида институтларни бир неча турга бўлади.

- она эволюцияси боскичларини ишлаб чикувчи;
- оправий муносабатлар ўзгаришини тадқик этувчи институтлар;
- урф-одат, анъана, ахлоқ орқали инсонларининг қундакик ҳаракатини бошқаришга йуналтирилган институтлар;
- жамият ҳамжиҳатлиги ва эътиқодий бирлигига таъсир этувчи диний институтлар;
- мехнат таҳсилманиши асосида келиб чикувчи касб-хунар институтлари.

Спенсер жамият эвалюциясининг икки кутби деб, жамият тўзилицшининг ҳарбий ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ тишиларини тан олган. Чунки, эволюция биринчидан иккинчисига утиш йўнанишида кечмокда.

Фарб социологларидан биринчига, Г. Спенсернинг ижтимоий жарайн ва борлик ҳақидаги гояларни ўрганишга Польшаник социалог ва юрист Льюдовик Гумилович киришган эди.

Гумилович социология тамойилини тушунтириш омили сифатида Спенсер томонидан асосланган биологик тушунчаларга қарди чиқди. Унинг тақидлашча, социологияда биологик тушунчалар хеч қандай аҳамиятга эга эмас, улар фақаттинга киёслаш учунгина хизмат қилиши мумкин, ижтимоий вожелик хусусида эса билим бера олмайди.

Гумилович социология обьекти сифатига ижтимоий гурӯҳларни олиб, вожеликни ўрганишга багишлиланган тадқикот предмети сифатига, абадий ва ўзгармас конунларга бўйсунувчи ижтимоий гурӯҳлар ҳаракати тизимини қабул килишни таклиф этади.

Австроилик психолог ва социолог Зигмунд Фрейд фаша психологияни ишлаб чиқиц билан ижтимоий жарабёнларни англосининг илгари инсоният тажрибасида бўлмаган йўлни асослаб берди. Унинг таъкидлашча,

¹ Уша китоб, 50-бет.

² Социология. Ўкуи кўнгламма, Г., 2002, 48-бет.

³ Социология, Уч. пособ. «Тетра-систем», 1998, 43-бет.

инсон рухиятининг онг билан бошқарилмайдиган қисмица инстриктив давлатлар (хохиш-истаклар) ҳамда хотирадан чиқарилган фикр ғоялар мужассамлангани , бу қисм билан идора этишини онг ўргасида онг олди майдони (бу майдончада идрор, тафаккур, хотира, англанган ўзлик) жойлашганиш.

Онг олди майдончаси бошқарилмайдиган соҳадаги турли хил давлатлар, хохиш истакларни онгнинг идрор этилувчи қисмига ўтказишига мөнелик қилиб туради ва ўзига хос цензор вазифасини ўтаб боради. Фрейднинг нуткаи назарига кўра, англанмаган истаклар ҳамма прогрессив давлатлар билан шахснинг маъданий даражаси ўргасида доимий қарама-каршилик юз бериб туради. Маданият, унинг фикрича, англанмаган онг истакларидан воз кечиш асосида юзага келади.

Фрейд ижтимоий жараёнлар ва жамолар мөҳиятини очища ҳам либидо (хохиш, истак, роҳатбахш нарсаларга майилик) тўғрисидаги таълимотни ёклаб чиқди. У ижтимоий гуруҳлардаги лидерларнинг ўринин тадқиқ этиб, одамлар муҳиянг раҳбарлар атрофида хиссий майллар, эмоционал хохиш-истаклар негизида уюшадилар, деб хисоблайди.

Фрейд дин ва диний эътиқодларни жамоаца кузатиладиган невроздан бошига нарса эмас, деб хисоблайди. Чунки инсон онги ўзидан олдиниги аждоҳлар бошидан ўтказган тарихий воеаларни рамзлар орқали ифодалаб беради.

Неврозларга хос берилувчаник ва таъсиrlанувчаник асосида одамларнинг тури диний расм - русмларга амал қилишлари, уларнинг мөҳиятини чукур апглаб ётасликлари. Фрейд томонидан динни «коллектив невроз» деб атағи асос бўлган.

Умуман олганда, Фрейд назарияси инсонни ўз - ўзини онгли идора кишини, ҳар бир меъёрга катъий риоя килиши, акл ва инстинкт баҳсида тўери йўл ташлашга, ундан бидан ўзининг ижтимоий кимматини йўқотмаган.

XIX аср социологик назариялари ривожи социологиянинг ҳамма тан олган универсал ижтимоий фанга айланасига шароит яратиб берди. Бу имкониятларнинг яратилиши В. Порето, Ф. Тейнис, Э. Дюркгейм, М. Вебер, П. Сорокин ва бошقا социологлар ижоди билан боғлиқ.

XX аср бошларидағи Италияниң энг кўзга кўринган назариеччиси Вильфредо Порето (1848-1923) эди. Унинг асосий иши хисобланмиш «Умумий социология тартиби» кейинчалик Фарб социологиясининг класик ижоди намунаси, деб тан олинган.

Порето ҳақиқийлик, ишончлилик ва илмий - эмпирик тўзилиши жараёнларини ишлаб чиқишига интилган. Умуман у Ижтимоий фанларнинг барчаси позитивизм ғояларига таянади, деб социологияни ҳуқук, иктисол, дин тарихи ва бошқа ижтимоий фандарнинг синтези деб хисоблар эди.

Порето томонидан ишлаб чиқилган позитив ёндашув концепсиясини ўзининг мөҳиятига кўра метадологик ҳусусиятига эга , битта мақсадига, яъни ижтимоий назарий таҳциқотларни мафкуравий мөҳиятдан озод қилишга қаратилган эди.

Поретонинг социологик тизимида элиталар назарияси мұхим ўрн тутади. Жамиятнинг социологик тўзилишини у иккита катта гурухга бўлади: укимиши одамлардан иборат элита ҳамда хиссиятлар ва иккиланишлар билан яшовчи бошқариладиган омма-куйн каттлам.¹

¹ Социология. Ўкуи кўншашма, Г., 2002, 50-бет.

Порето фикри бўйича, сиёсий жараён элитанинг ҳокимият тепасига келиши билан шартланган¹, улардан биттаси жамиятии бошқарилувчилик имкониятларири йўқотса, упинг ўринни бошқаси эгаллайди. Поретонинг айтишича, элитанинг ўрин алмашти тартиботи исталган жамиятнинг универсал қонуниятларидан хисобланади. Сиёсий элиталарнинг яшаш имкониятларига, ижтимоий бошқариши хукукини берувчи сиёсий тўзимга, жамиятнинг нечоғли очниклигига боғлиқдир. Бошқарувчи синф жамиятнинг вертикал мояшлигига таяниб, ўзини жамиятдаги бўзилишлар - деградациядан саклашган холда, инқиlobларнинг оддини олади ва доимий раввиша янгиланаб боради.

XIX аср тохирларида социологиядаги позитив окимлар ижтимоий ҳётни тушунтиришда қийинчиликларга учрай бошлади. Жамиятдаги ижтимоий борликни билдиша табиийлик - натурализм тামойилларни ва табиий - илмий методларни кўллашни ман килишга интилишлар кучайиб кетди.

Позитив социологияга қарама-карши ўларок антипозитивистик йўналишдаги социология кўпроқ Германияда кенг тарқалди. Социологиянинг расмий мактаби намобшаларига В. Дильтей, Г. Зиммель, Ф. Тенинс киради.

Кўзга кўринган немис файлусуфи, психолог ва социолог В.Дельтей (1833-1911) фикрига кўра, табиий фанлар табиий жараёндарнинг бориши хамда унинг инсон холатига қандай таъсир килишини кўзатиб боради, ижтимоий гуманитар фанлар эса инсоннинг эркян фаолияти, жамоавий ишларни ўрганиди.²

У асосий эътиборни рух тўғрисидаги фан назарий муаммоларини ишлаб чиқишига каратди. Бу йўналишда Дильтей илмий фаолиятининг натижаларидан бири «тушунувчи психология» ва «тушунувчи социология» нинг яратилишидир. Унинг таъкидлашнича, «тушуниш» социологиясини асосий вазифаси, одамларнинг ўтгани давр одамлари ҳётини хис килиши ва шу орқали ҳаётлар мобайнинда ҳали амалга оширилмаган фаолиятлар кирраларини топишдан иборат.

Дильтейнинг фалсафий ва социолог ижоди маҳсули бўёлган ижтимоий мавжудликлар, жараёнларни билини, уларни тушунниш имкониятлари, вазифалари ва маъсадлари тоғърисидаги ҳарашлари кейинги давр социологлари учун тадбишот манбаи сифатида хизмат ўлди.

Немис социология жамиятнинг биринчи президенти Фрединант Тенинси социологиянинг формал - аналитик мактаби асосчиларидан бири лейиц мумкин.

Тенинснинг назарий социологияси асосини қарама-карши моҳихта эга иккита очимли - «жамоа» ва «жамият» ташкил қиласди. Тенинс фикрича, тарихий жараён қарама-карши қарашлардаги одамларнинг - жамоа ва жамиятдаги биргаликдаги ҳётидан иборатди.

Бу иккита қарама-карши ижтимоий илоқаларнинг асосий манбаи сифатида инсон эрки майдонга чикади. «Жамоа» га инсонлар ўзларининг табиий эрклари асосида, «жамият» га эса рационал эрк асосида бирлашадилар.

«Жамоа» даги инсонлараро муносабатлар табиийлиги, осойишталиги ва маромийлиги билан ажralиб туради. «Жамоа» нинг бу жиҳатлари оилавий-қариндошчилик муносабатларида, кўпиничилик ва дўстлик муносабатларида, урф одат, анъана ва дин орқали амалга ошади.

«Жамият» туридаги муносабатлар турии кўрйнишдаги шартномалар, савдо муносабатлари ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади. Жамиятдаги алоқалар

¹ Комаров М.С. Введение в социологию. М., «Наука» 1994, 46-бет.

² Социология. Уч.пособ. Минск, «Гетра-системс», 1998, 49-бет.

фақатгина одамлар орасидаги муносабат әмас, балки турли турұхлар ва тащиқшылар үргасидаги мұнисабаттар ҳамдир.

Социология тарихида Георғ Зиммель (1858-1918) ғояларининг М. Вебер ва Э. Дюркгейм ғоялари каби XX аср социологияси ривожида ўзига хос ўрни бор. Зиммель, ўзининг фалсафий ва социологик ижодини ижтимоий мұнисабаттар типологиясини, аналитик ва формал социологияның ривожлантирувчи аньаналар тақдиллағы багишланади.

Агар Зиммель томонидан ассоланған ижтимоий ҳәёт шақшарини классификация қилишша уринсак, унда уларни күйидеги ақратыш мүмкін:

- 1) ижтимоий жараён;
- 2) ижтимоий түр;
- 3) ривожланиши мөдели.

Зиммель шахшарлар демографиясы, дин ва эътиқодлар, билиш ва бошқаларни социология тақдил қилиш учун күпина киммагаты ғояларни илгари сурди. Зиммеллининг ғоялари замонавий Социологиядагы маданий тақнидий аньаналарнинг шақлланишига күчли таъсир күрсатди.

Француз социологи Э. Дюркгейм (1858-1917) ҳам Конгресте үшшаб социология табиии фан методлары асосида иш туғиши керак, деб хисоблайди. У ижтимоий фактлар таркибыта жамоавий қарашлар, алдоқи ҳәстининг қар хил мавжудлуклари, аньаналар, урф-одатлар, расм-русларини кириктган. Дюркгеймнинг фикрича, «ижтимоий ҳақиқатта объектив ёндешишни таъминлаб берувчи асосий қоюда ижтимоий фактларға нараса сифатида қаралыпциді».

Дюркгейм қарашлари асосини «социологиязм» ғояси тащылған. Француз социологи одамлараро ипончининг мұхымлігінни таъқидиб, кишилар яғона умумий ғоя атрофида бирлашишлари лозимлігінни эътироф этади.

Э. Дюркгеймнинг «ижтимоий мекннатнинг тәксимләнүши түгрисида» деб номланаған асосий иши бевосита «хамжихатлик» муаммосини ўрганишга багишилшыган. У социологиянинг асосий вазифаси ижтимоий интеграцияни таъмишловчи ижтимоий алоқа ва механизмлар табиатиши аниклашып, деб билади. Дюркгейм жамият эволюциясини ўрганиб, ижтимоий алоқаларнинг иккى асосий түрини ақратади: «механик ҳамжихатлик» ва «органик ҳамжихатлик».

Бириңчи түрида архайк жамият алоқида индивидларни ўзига бутунлай бүйсундырмокчи бўлади. Бунда ижтимоий ҳамжихатлик инсон алдоқини каттик назорат қилувчи дингий ишонч, урф-одат, аньаналар орқали ижтимоий онга сингдирилади. Органик ҳамжихатлик бўлған замонавий ижтимоий алоқаларда умуман бошқа нарса кузатилиши. Бу ерда ижтимоий бирлашув индивидларнинг иқтисодий ўзаро алоқалари ва меҳнат тәксимоти орқали таъмишланади. Дюркгейм нұктаназарича, XIX аср капитализмiga хос зиддиятлар мекннатнинг ижтимоий тәксимләнүши ва турли ижтимоий салбий оқибатлар бартараф этилган тақдирда ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Букем немис мұтафаккири М. Вебер томонидан илгари сурилган билимлар, ғоялар, методология өндашув, билиш назарияси, идеал типлар ғояси, маданият, этика, дин социологиясы ҳақидаги карашлари илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Унинг фикрича, социология ижтимоий тарихий фаолиятларнинг субъектив соҳаларини ҳисобга олиш, воказатик илмий методология талаабларига мос равишда объектив ва эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиши имкониятларини юзага чиқарып мүмкін. Социология, Вебер тақишашича, ижтимоий фанлар орасында шундай ўрин тутиши лозимки. Унинг асосий вазифаси – инсоннинг ижтимоий ҳуқиқи мөхияти ва ахамияттнитушувини, жамият ривожига

сабаб бўлган конунлар ечимини кўрсатиб беришдан иборат бўлади.¹ Инсон хулигини талкин қилиш методига Макс Вебер томонидан қанчалик катта аҳамият берилганингига қараб унинг социологиясини қўлингча тушунувчи ёки «интерпретатив» социология деб ҳам аташади.

- М. Вебер ижтимоий ҳаракатлар ёки хулигини 4 та асосий тўрини ажратади:
- 1) маблағ топишни мақсад қилган ҳаракатлар - оқилона (рационал) мақсали;
 - 2) муайян, қадрийлар тасдирида (диний, ахлоқий ва бошқа) содир этилувчи ҳаракатлар - оқилона (рационал);
 - 3) одамларнинг иммуюнал реакциясига асосланган аффектив ҳаракатлар;
 - 4) анъана ва урф - одатларга қаратилган анъанавий ҳаракатлар.

Вебер сиёсий социология ривожига кагга ҳисса күштан. Ўзининг ижтимоий ҳаракат назариясига таянган ҳолда, у хукмронликнинг З турини - дохийнинг аффектив ҳаракатига кўр-кўёна ишончига асосланган ҳаризматик, анъанавий ҳамда мақсадга йўналтирилган рационал турларни таҳқик этади. У Ёвропа капитализми шароитида хукмон бўлган рационал - бюрократик (расмий - хуқуқий) давлат моделининг жамиятга кучиз таъсирини ҳакконий тарзда кўрсатади. Вебер бу ҳолатдан чикиб кетиш йўлини бюрократик давлат аппаратурини ҳалк оммасига эҳтиёжларига йўналтира оладиган, умумҳалк сайлови орқали сайланадиган сиёсий лидер (президент) ни жорий этиш имкониятларини берувчи демократиянинг ривожида кўрган.

¹ Социология. Уч.пособ. Минск.1998,52-бет.

3 - Мавзу бўйича таянч атамалар.

1. Конг Огость (1798-1857) - позитивизм ва позитив социология асосчиси. «Позитив фалсафа курси» (б том), «Позитив сиёсат тизими» (4 том) асарларини ёзган.
2. Ижтимоий статистика - жамиятда тургун бўлган тизилмалар.
3. Ижтимоий динамика - ижтимоий ўзгарувчалик жараёни.
4. Герберт Спенсер (1820-1903) - инглиз олими. «Асосий маъбалар» (1862), «Биологиянинг яратилиши» (1864-67), «Психологиянинг яратилиши» (1870-72), «Социологиянинг яратилиши» (1876-96), «Этиканинг яратилиши» (1870-73) китобларини ёзган.
5. Людвиг Гумплович - поляк олими. Ижтимоий жараён ва борлик ҳакидаги Спенсернинг ғояларини ўрганиган.
6. Зигмунд Фрейд - австрялик психолог ва социолог. Психология назарияни ишлаб чиқиш билан ижтимоий жараёнларни англашкинг илгари инсоният тажрибасида бўлмаган йўлини асосслаб берган.
7. Вильфредо Порето (1848-1923) - италиялик назариётчи. «Умумий социология тартиби» асарини ёзган. Гарб социологиясининг классик ижоди намунаси, дебтан олинган.
8. В. Дильтейн (1833-1911) - немис файласуфи, психолог, социолог. Рух тўғрисидаги фан назариясини муаммоларини ўрганди. Илмий фаолиятининг натижалари «тушунувчан психология» ва «тушунувчан социология» дир.

3-Мавзу бўйича умумий саволлар.

1. Француз файласуфи О. Контнинг социологик фикрлар ривожида ўрни қандай?
 2. Спенсернинг «бир маромдаги» эволюционизм ғояси ҳақида нималар биласиз?
 3. З. Фрейд ва унинг социологик ғоялари ҳақида гапиринг.
 4. В. Порето ва унинг социологик ғоялари ҳақида гапиринг.
 5. Ф. Тенис ва унинг инсон эрки, «жамоа» тўғрисидаги ғоялари.
 6. Э. Диоркгейм ва унинг «социологизм » ғояси.
 7. М. Вебернинг социологик карашлари.
 8. Георг Зиммеллининг социологияни карашлари.
 9. В. Дильтейн ва унинг «тушунувчан социологияси» мөдияти.
- Людвиг Гумплович ва унинг социологик карашлари.

4- МАВЗУ, ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР, ФАН ВА ТАЪЛИМ СОЦИОЛОГИЯСИ.

Режа:

1. Ижтимоий муносабатлар социологияси.
2. Миллий мафкура - ижтимоий муносабатларкинг тарқибий кисми.
3. Фан социологияси.
4. Фан ва таълим социологиясининг юлмий тизимда вайжтимоий ишлаб чиқарнишаги ўрни.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент.: "Шарқ", 1999.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси. Тошкент.: "Ўзбекистон", 2000.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасан келажак йўқ. Мулоқот N5. 1998.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни ҳалқ, миллатни миллият қилингга хизмат қиласин - «Тафаккур», 1998. N5.
5. Каримов И.А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонамаси «Фидокор» газетаси. 2000 йил. 8 июн.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлицан. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И.А. Фан Ватан равнакига хизмат қиласин // Биздан озод ва обод Ватан колсан. Т. 2. – Т., 1996
8. Аликориев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология - Бишкек.: 1999
9. Бекмуродов М. Социология асослари. Т.: "Фан", 1994.
10. Жураев Н. Тарих фалсафаси. Т.: "Маънавият", 1994.
11. Бегматов А. Социологияти кириш - Андижон, 1995.
12. Юнусов К. Социология. Метод ўқув кўлланмана-Андижон, 1997.
13. Ходбеков А., Идиров У. Социология. Лутат. Т.: Ибн Сино, 1999.
14. Энциклопедик лугат. 1-том. Т.: Ўзб. Ҷош. Энц. 1988. 15. Социология маърузалар матни. Тошкент 2000.
16. Социология дарслик Т., 2002

Ижтимоий бирдамлик тушунчаси ижтимоий муносабатлар тизимида мұхым үрин тутады. Чунки бирдамлик - бу күпгина маңынан омилларниң мажмусидан тащиқ, топған социологияк категория, у ижтимоий ҳәетта фаолият күрсатаётган инсонларниң ижтимоий тараққиёт масалаларын ҳал қилишгән ҳамкорлығининг күриннешілер. Шуни таъкидлаб ўтишимиз жоиски, социологияғанда жипспашувни билдирады тушунча сифатида бу терминни О. Конт кирилттайды.

Бу мұаммога күпгина мұтафаккирлар ўзларининг эътиборларини қаратғандар. Айникса Э. Дюргейм, Г.Спенсерлар бу мұаммони чукур таҳдил қылғандар. Лекин улар ўз тақиқотларини түрлі хил йұналиштарда олиб бордилар. Э. Дюргеймнинг фикрича, ижтимоий бирдамлик бу ахлоқты тамошын ва оның универсал қадрият, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томоницан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тақиқотларыда ижтимоий ҳамжихатликтининг асосини иктиносидің манбағаттар ташиқи марказий үрин әгадайты. Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва күнгілли ҳамжихатликтин күрсатады. Уннинг фикрича, кишилик жамияттың ўзининг ривожланиш йүйінде иккі даврға - ҳарбий ва саноат даврларига бүлинади. Ҳарбий турдагы жамият иерархик тартиби ва күчтің марказлашыған назораты билан қарастерланаады. Саноат турдагы жамияттың эса осойишта ижтимоий ҳамкорликтинң әрқин шақылдарини ифода этады. Мұаммони худды иккита жиһатта ажратылғанда қылышты Э. Дюргеймнинг ҳам илмий фаолияттада күриш мүмкін. Юкорида этигооф килингандай, у ўз таълимотида ҳамжихатликтин меканик ва органик турларын ажратады. Ривожланмаган ески жамиятларда хукмронлық қыладың бирдамликтің Дюргейм меканик бирдамлик деб атайды.

Механик бирдамлик - бу "жамағат түрдігі" бирдамлик бўлаб, у бу жамағаттың индивидларнинг үхшашылары билан белгиланады ва удар томоницан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарылады. Гарбнинг күпгина олимлари ижтимоий мүлкка асосланған кооперациянинг сермахсуллитиниң инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича, бутун жамият билан иштаб-чикариш воситалардан фойдаланышиңнан ишкендір. Шуннинг учун уларни, янын бу воситаларның түрухлар мүлкі килиб берішиң тақлиф қыладилар. Агар ишлаб чиқариш воситаларни ижтимоий мүлк хусусиятiga эга бўлса, "матмурият" халқдан ажралиб колади ва шу сабабли бироркрат бошқарувчилар тащикалоти вужудга келиши мумкин. Ўз-ўзидан табиийки, бу жараёнлар туфайли ишчилар ўзларининг меҳнатларыда шахсий манфаатдорликни хис қылмайдилар.

Мазкур таҳминдернинг аксарияти ижтимоий ҳәттинг күшлаб соҳаларида ўз ишботини топти. Айникса, мустамлакачилик даврида бизда сохта бирдамликтік асосида кооперациялаштириш кўплаб сыйбий оқибатларни көлтириб чиқарди.

Меҳнатнинг ижтимоий тақситоти ва кооперация никоби остида бизнинг худуд хом-ашё етиштирадиган Республикага айланди. Жамияттимизда туб маңында бирлашма жараёни фаолият күрсатады. Буннинг натижасида мамлакатимиз аграр Республика мақомига эга бўлди. Мана энди шукурлар бўлсинким, ўзимизнинг мизлий давлатчиликимизга эга бўлдик. Мамлакатимиз ривожланган, кучли ва қудратли бўлиши учун жамияттимиз ҳәттинг барча соҳаларида барқарорликка эга бўлиш лозим. Буннинг учун мизлий қадриялар

асосида шаклланган бирдамлик түйгулари билан уйгунашкан инсонларнинг ўзаро хамкорлиги ўта мухим маъно касб этади.

Бегоналашув муаммоси - социология фанининг мухим масалаларида хисобланаб, уни бир катор ташнили социологлар ўз тадқикотларида ўрганганлар Замониавий жамнит ҳаётида қўйинцаги бегоналашув турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

- 1) Иктисолий.
- 2) Сиёсий.
- 3) Маданий.
- 4) Ижтимоий.
- 5) Психологик.

Ушбу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шаклларига эгадирлар. Масалан, иктисолий бегоналашув учта шаклга эга:

1. Фаолиятдан бегоналашув.
2. Фаолият бошқарувидан бегоналашув.
3. Фаолият натижаларидан бегоналашув.

Сиёсий бегоналашув сиёсий ҳокимиятдан; маданий бегоналашув маънавиятдан ва маданиятдан; ижтимоий бегоналашув муоқотдан, инсонларнинг бир-биридан; психологияк бегоналашув ўз-ўзидан бегоналашувдан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бириларига боғлик ҳодисаларидир. Агар жамиятда ишлаб чиқариши суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, тулинг қадри тушиб кетса, нархлар тез суръатларда ошиб кетса, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва сиёсий танглик вужудга келса, биз жамиятнинг ҳамма соҳалари таназзулга учраган, деган фикрга келишимиз мумкин. Ўз навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса, таназзул ҳам чукурлашиб бораверди. Масалан, ишлаб чиқариши жараёнида меҳнатнинг тасқимланиши рўй беради. Бир қарашда бу тараққиёт учун кўйилган катта қадамдир. Лекин бунда ижтимоий мулкка асосланган шундай ишлаб чиқариши муносабатлари шаклланади, унинг асосида бевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариши воситаларидан узоклашиб, аста-секинлик билан ўз меҳнатининг натижасидан бегоналашиб боради. Энди бу ишлаб чиқарувчи шахс учун меҳнат иунимининг ҳам қизиги йўқ. Марксизм тавьимоти бўйича, хусусий мулк ижтимоийлаштирилгач, ишлаб чиқариши воситаларига ишлаб чиқарувчилар умумий эгалик килишлари керак эди. Лекин ижтимоий амалиётда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Сиёсий ҳокимиятни босиб олган пролетариат ишлаб чиқариши воситаларини энди давлат мулкига айлантиради. 73 йиллик тарих давомида бизга уқтириб келинган ижтимоий мулк мутлоқ давлат мулки эди, бу мулк эса мулкчиликнинг энг жирканч, адолатсиз тури бўлиб чиқди. Меҳнат кишиси хусусий мулқдан бегона этилган эди.

Сиёсий жабҳада ҳам жамиятнинг кўптина аззолари сиёсий ҳокимиятдан бегоналаштирилди. Яъни, сиёсий ҳокимият бу – ҳалқ ҳокимияти, умумхалқ ҳокимияти, деб эълон килинган бўлсада, аслида у маълум бир гурӯҳ – элитанинг хусусий мулкига айланди. Бунинг асосида бутун бир ҳалқ давлат сиёсий ҳокимиятидан бегоналашди ва бу бегоналашган омма билан номенклатуранинг орасида улкан жарлик пайдо бўлди. Ўз навбатида бу жараёнлар чукур ижтимоий-иктисолий ва сиёсий таназзулни келтириб чиқарди, тоталитар давлат ўз-ўзидан парчаланиб кетди. Жамиятда соглом

мұхиттін яратында мәннавият үз мәданияттің ролі катта. Мәданий соғақтың бегоналашув ҳам аңчагина чукур салбий оқибатларға олиб келгенде мәннавий танazzузини көлтириб чыкаради. Чунки у индивидларнинг баркому шахс сифатыда шаклланыштарига салбий тәсир күрсатади. Агар жаһияттің атқозлары үз мәннавиятлари, бой мәданий мерослардан узоклашиб кетиб, ушан бегоналашсалар, улар ўзларининг келиб чиққышлардан тортиб, то үз миннэтларининг миллій үрф-одатлари, аңыналариниң инкор кила оннапайцилар. Агарда яқын ўтмишиимизга мурожаат этсак, ушбу мұлохазаларимизнинг яққол ислотини күрамиз. Масалан, бой мәданий меросимиздан бегоналашпумиз, атқозли адіб Чингиз Айтматовнинг тәбирича, ғылыми манқурларға айлантирай деди, янынан биз үз ҳалқымыз тарихи, мислив озодлық харакатлары ва уларнинг сарқардалары жасоратларидан, дипломатияның үзлигимиздан узоклашиб қолдик.

Давлаттимиз мұстакиллікка ерішиб, мәданий бегоналашувни бартараф этишини бошладык. Социологияның мұхим бегоналашув хисобланған ижтимоиј бегоналашув инсонларни мұлоқотдан, бир-бирлардан узоклашишлар натижасыда іюзага келади. Инсон үз мөхияттың күра ижтимоиј хусусияттаға әгадір. Ўзаро фәоліттің туфайлы пайда бүлгандықтан да оның ассоциациялардан бир-бирләрдің билан мұносабатларда, мұлоқотларда бүләнділар. Мұлоқоттің ижтимоиј мәнноси шүндаки, у мәданият шаклдары ва ижтимоиј тажрибаларни узатып воситасы бўлиб хизмат килади.

Рўхий бегоналашув-бу инсоннинг үз мөхияттідан узоклашишидир. Бу муаммони немис мутаффакири Эрих Фромм жуда яхши ишлаб чиққан. Замона-вий жаһиятни Э.Фромм инсон мөхияттіні "машиналаштириш", "компьютерлаштириш" ва «роботлаштириш» жараёнлари туфайли бегоналашувнинг бир маҳсулі¹ деб таътифлайды.

Денсаулық ва ижтимоиј бегоналашувни бир-бирларига яқынліги шүндаки, инсонлар ўзаро мұносабатларда амалий мұлоқотда бегоналашсалар, ўз-ўзларидан бегоналашув ҳам юз беради. Чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашишлар оқибатида уларда яккаланыш, зерикинш ва ҳаётта кизиқишининг сүниши вужудга келиши мүмкін. Бунинг натижасыда инсоннинг үз келажагига, орзу-нияттарига ишончы йүқолиб, у ўзини бегона деб хисоблайды ва бу жараён күпинча салбий оқибатларға олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамият ҳаётидаги турли хил бегоналашпув жараёнлари тезрок измийлик ва үйгүнлик ассоциацияларда көзинсагина, жамият ижтимоиј соглому шароиттада тарақкый этапи ва салбий ходисаларнинг тәсирини үз вакытша бартараф этилади. Масалан, меҳнатдан бегоналашишни бартараф этиш учун биринчи нафабатда инсонларнинг үз меҳнатлары натижаларидан манбаатдор бўлишлары ва унинг оқибатида эса меҳнатга бўлган мұносабатларини тубдан ўзгартириб, уларни кизиқиши ва куч гайрат билан ишлапшарини ташкил этиш керак.

Ишлаб чыкаришынан бошқаришдан бегоналашув муаммосини бартараф этиши ҳам жуда мұхим маъннини касб этади. Бунинг учун ишлаб чыкариши мұносабатларини чукур демократиялаштириш, корхона, ташкилот ва мусассасалардагы мавжуд бошқарув тизимларини ижтимоиј адолат мөъләрларидан такомиллаштириш

¹ Ашакориев Н.С на башқармалар. Умумиј социология. Тонкенгт ДУ. 1999, 84-бет.

ва ишчи хизматчиларга хўжалик эгасининг аниқ вазифаси, хукуки ҳамда маъсуллияtlарини тоғшириш керак.

Мадданиятдан бегоналашувни бартараф этиш учун мадданий меросга муносабатни тақомиллаштириб бориш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавий қадринглардан яхши хабардор бўлиши ва мадданий курилишга старли мабдаг ажратилишини таъминлаш зарур. Ижтимоий бегоналашувни бартараф килиш учун инсонларни бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларини хақиқий бирдамлик ва ҳамкорлик асосига куриш керакки, шунда ҳар бир инсон бошқалар учун кераклигини чин юрақдан ҳис кијисин. Руҳий бегоналашувни бартараф этиш чоралари ижтимоий бегоналашувни бартараф этишнинг узвий давомидир.

Инсон ўзини кимга дир кераклитини руҳаш сеза олсангина у ҳеч қачон тушикунидикка тушишмайди ва яккаданлиш, истиробга тушиш ҳаффидан ҳалос бўлади. Оқибатда уни ўз-ўзидан, ўз моҳиятидан бегоналашувига деярли ҳеч

кандай сабаб қолмайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камроғли ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини чукур камраб олиб, давлатимизни ривожланган мамлакатлар сафидан тезроқ, ўз мунособи ўрнини эгаллаштига хизмат қилимокда. Албатта, ушибу ижтимоий жараённинг бир текисда кечиши муайян кийинчилкларга дуч келмокда.

Мазкур кийинчилклар ижтимоий муносабатларининг алоҳида тури бўлган миллий мағкуруни яратиш ҳаракатлариша кўпроқ намобди бўлаётгани биз социологларни кўпроқ ташвишига содмоқда. Чунки, миллий мағкура мустакил давлатнинг асосий маънавий пойдеворларидан хисобланади. Усиз ҳеч бир давлат барқарор ривожланиш хусусиятига эга бўла олмайди. Президентимиз таъкидлаганидек – Мағкура ҳар кандай жамият ҳаётида зарур. Мағкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар.¹ Миллий мағкурамиз эса бирор бир сиёсий партия ёки ижтимоий ҳаракатларини эмас, балки умумхалқ манфаатларини ифодадани жуда муҳимдир. Ушибу мағкурунинг мазмuni ва моҳияти миллиатмизнинг ўзига хос бўлган тафаккур тарзига мос келиши учун реал қаётдан ажралмаслигини таъминлайди.

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёкараши ва менталитетига асосланган, айни вактда шу ҳалқ, шу миллиатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ равшан белгилаб беришга хизмат қиласадиган, кечаги ва эртаниги кун ўргасида ўзига хос кўпrik бўлишига қодир гояни мен жамият мағкураси деб биламан.² Республика Президенти томонидан илгари сурилаётган фикрлардан маълумки, миллий мағкурунинг шакллананишига миллиатнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий урф-одатлар, қадринглар, анъанаётлар ва удумлар негизида шаклланадиган ҳамда ривожланадиган тафаккур тарзи бевосита асос бўлади. Шу жиҳатдан қарагандা, миллий гоя ва тафаккур ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Шунинг учун уларни бир-бирларида сира ажратиб олиши мумкин эмас. Шу нуктаи назардан, қайси бир жамиятда ушибу масалага тўғри муносабатда, унинг пегизида миллий мағкура шакллансан, ўша жамиятда тараккӣёт, эркинлик ва озодлик қарор топади. Ўрга асрларда яшаб ўтган автол-аждолларимиз ҳаёт йўлларини таҳлил килиб кўрсак, шунга амин бўламизки, ал Форобий, ал Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улугбек, Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб юксак тафаккур эгалари бўлган бобокалонларимиз

¹ Жамиятимиз мағкураси ҳаёти-ҳаёл, майдаган – майдаг келишини хизмат этгани. – Т., 1998 – 4-б.

² Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси ҳаёти-ҳаёл, майдагин-майдаг келиши хизмат этгани. – «Тафаккур» журнали, 1998, 2-сои, 6-бет.

яшаган ижтимоий – маданий муҳитда шақдланган тафаккур тарзи ва миљий тоғлар накадар терен ва илмий асосга курилгандигини кўрамиз. Демак, аждодларимиз яшаган ўша даврларда ушбу масалаларга катта эътибор қаратилган. Шунинг оқибати ўларок, Турон эни юксак ривожланган илм-фан ва маданият ўчғи бўлган. Лекин баҳтга қарши, Европадаги машхур Ренесанс давридан анча илтари яратилган бу тараққиёт йўлини биз аста-секийлик бицан унуга бошладик. Миљий – фоя, миљий мағкурапинг асосларидан бўлган матнавий бойликларимизга қачналиқ этгигоримизни камроқ қаратсан, тараққиёт йўлидан шунчалик четта чиқиб кета бердик ва миљий фоя ўрнини "маҳаллийчилик" гояси эгаллади. Бунинг натижасида марказлашган улкан давлатимиз парчаланиб, миљатимиз тарқоқ ва қолоқлик даражасига тушиб қолди. Ягона миљий гоямизни маҳаллийчилик гоясига айлантиришимиз, бунинг натижасида эса тарқоқлик ва кучизлик даражасига тушибшимиз сабабли аввал чоризм мустамлакасига, кейинчалик эса собиқ Шўро империясининг арzon ҳом-аше этиштириб берадиган "вилояти" га айландик.

Мана энди биз 130 йилдан ортик давом этган мустамлакачиликдан қутлииб, яна марказлашган мустақил давлатчилигимизга эришдик. Шу ўринда айтишимиз жоизки, биздан олдин ўтган авлод аждодларимиз йўл кўйган хато ва камчиликларини асло тақрорламаслигимиз зарур. Бунинг учун ёшлиарни миљий истиқбол руҳида тарбиялашимиз керак. Жамият ҳаётини социологик таҳлил килиш шуни кўрсатадики, ватандошларимиз ушбу миљий мағкура моҳиятини борган сари чуқуррок тушиниб бораётганликларини қайд килиш мумкин. Фанинг табиат ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни ва роли бекіс, иносон фаолиятининг ижтимоий функциясини, дунёкараши, ижтимоийлашув жараёнларициаги иштирокини, унинг сиёсатда, маданиятда, таълимдаги таъсир кучини ўрганинг масалаларини ўзининг тадқикот предмети сифатида белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, фан ва илмий муассасалар миљий истиқбол гоясини ҳаётга сингидирища муҳим ўрин тутади. Фан социологияси айниқса «Мағкуралар курашининг жаҳоншурумул жараёнини ўрганиш, унинг мониторинги, бу курашининг умумбашарий ва минтакавий муаммоларини аниқлаш, мағкуравий таҳдициар ва уларга қарши курашининг самарали йўллари ҳақицаги илмий асосланган таъсисларни ишлаб чиқишида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Фан социологияси мазкур тадқикот йўналишларининг функционал тизимини кенгрок ижтимоий доираларда ишга туширади, шунингдек назарий жиҳатдан асослаб бераси, амалий фаолиятларни режалаштириди ва бошқарув миқёсида мавжуд ташкилий формаларни оптималлаштириш йўли билан ривожлантиради.

Фанинг унинг ташкил этувчи тизими ҳамда таркиби жиҳатларининг функционал таҳлили статистик маълумотлар билан бирга амалий социологичијинг методлари: сўров, анкеталаштириш, тест ва хаказоларга таяниб амалга оширишни мумкин. Булаҳ илмий фаолиятни юзага чиқариш усулиари, яъни маблаг билан таъминлаш тизими, штат жадваллари, илмий кадрларни таёrlаш схемаси аниқ кўрсатилиши зарур. Зоро, фан социологияси тадқикот масалаларининг оқилона кўринишини кулаге варианtlарда жамлаш, ра-

¹ Миљий истиқбол гояси: асосий тунунчага ва тамойиллар, 63-бет.

солаштириш, иш-вактни тақсимлаш, жамоа соиини аниклаш, илмий ходимларининг ёш жиҳатдан тартиби уларнинг психологик жиҳатдан мослини ва ҳаказоларни аниқ баён килади.

Бозор иқтисодиёти сиёсатининг ижтимоий ҳаётта кириб келиши фанга ҳам ўз тасдирини ўтказди. Бирок янги ислохотларнинг амалга оцирилиши турли ижтимоий табакаларда турлича кечеётганилиги жамиятнинг янги муносабатларга кўникиши жуда секин кечеётганилиги сабабли ҳар бир соҳада, шу жумладан, фанда ҳам талай қўйинчилкларни юзага келтирмокда. Ҳолбуки, ҳар бир фан учун керакли маълумотларни тўплари, таҳдид этиш, тузатиш, ҳисобот таёrlаш социология предмети орқали амалга оцирилади.

Жамиятнинг кутимиаган инқироз наиласига тушеб колишига йўл қўймаслик борасида фан социологияси кучли маънавий таъсир этувчи маибага айланishi, ўтиш давриша динамизм руҳидатни суръатнор билан иш юритмоғи зарур.

Фан социологияси жаҳон миқёсида кенг миқёсдаги мулоҳазаларга сабаб бўлмокда. Айниқса, 1970 йилилардан бошлаб А.А. Зворыкин (Россия) бу муаммоларни ҳал қилишига кўп уринди. Лекин тотолитар режим, ижтимоий сиёсий муносабатлардаги бюрократизм оқибатида бу масалалар ҳал этилмай қолди. Ваҳолангти, турли хил муаммоларни социологик ўрганиш натижаларидан хозирги кунда ҳам, бозор муносабатлари шароитида унумли фойдаланиш мумкин. Ижтимоий-психологик муаммолар илмий жамоа ва муассасалар доирасида ҳал қилиниши лозим. Жамоа ва индивидуал меҳнат килиш, илмий фаолиятда илмий ходимининг шахс сифатидаги роли, фан учун мутахассислар таёrlаш, уларнинг етуклигини таъмилаш ва тақомиллаштириш каби масалалар фан социологияси учун марказий муаммолардан ҳисобланади.

Фан социологиясига қаратиглан асосий эътиборни жаҳон миқёсида АҚШ давлати мисолида кенг эътироф этиши мумкин. Америкалик социолог Ж. Жиллен: "Америка, гражданилар уруши туфайли бузилган ижтимоий-сиёсий тартибларни тиклаш учун, фикрлайдиган шасхларга ва ижтимоий фикр билан ҳисоблашувчи фуқароларга кучли эҳтиёж сезди", - деб шархлайди. Америка биринчилар каторида социологик методлар - асосида иш тутиш тартибларини илмий муассасаларга кенг ёйди. Социология фанни тизимлашган тарзи сиёсий арбоблар ва ишбўйлармонлар маддати тўфайли тез ва жаҳал ривожланди.

Фан соҳасида социология методларининг таъбиқи, XIX аср охирида социология муаммоларига багишланган тармок журналининг чиқиши билан бошланди. 1895 йил Чикаго Университетидаги "American Journal of Sociology" журнални чиқиши фақат фан соҳасида эмас, балки снёсат ва иқтисод соҳаларида ҳам муҳим воеа бўлди. Журнал ўзининг асосий максадини кўйидагича ифодалаган эди:

- 1) ижтимоий концепциялар ва назариялар учун фонд ташкил этиш;
- 2) социологияни мустакл илмий фан сифатида тан олиш;
- 3) социологияни умумий маддий фаровонинкка кўмаклашига хизмат килидириш;
- 4) ҳар қандай "ўйламай, қангакий фикрловчи"ларга карни иш олиб бориш.

Журнал сахифаларида илмий тадқикотлар натижаларининг (ижтимоий) маълумотлар билан мунтазам тарзида баён этиши, илмий йўналишларнинг

харктери, мохияти, тақризи, нашрлар таҳлили, ҳимоя қилингани ишлар бўйича шарҳ берилдиши, фан социологиясининг кенг эътироф этилиши, жаҳон миқёсидаги мутахассис олимларниң дикқат ўтибориарини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Фан давр таъаби бўйича инновацион лойиҳа жорий қилиши керак экан, аввалимбор, фан социологияси ўзининг ижтимоий маълумотлари билан биринчилар қаторида қатнашти лозим. Ракобатбардош юкори сифатли технология асосида маҳсулотлар маркетинги, шунингдек илмий муассаса, жамоа, интеллектуал илмий мухитнинг кулаги вариантилари, бащлик, "ишчи" ўринлари муаммолари ва ҳаказо масалалар билан халқаро миқёсда иш олиб бориш керак.

Фан ва инновация фаолиятнинг самараси учта компонент-таркибий қисмдан иборат: фан, ишлаб чиқариш ва бозор. Фан ва ишлаб чиқариш бир-бирлари билан яқин муроса қиласалар, улар ўртасидаги алoқа тезкор тарзда бўлмаса, бюрократия кулфи бузилиб замонавий ҳамкорлик йўлга қўйилмас экан, бозор ва инвестиция масалалари ўз-ўзидан четта сурилади.

Қўйилган таъаб ва мақсадни амалга оширишда фан социологияси ўз-кучини тезкор кўрсатиши, илмий муассасалар ўз навбатида замонавий руҳда ишланиши, кўчли иш юритиш услубини кўллаш керак бўлади. Илмий жамоалар меҳнат жараёнини самарали олиб бориб, ишлаб чиқаришга ўз таъсирини кўрсатиши, жаҳон андозаларига мос бўлган юкори даражадаги маҳсулотлар билан эҳтиёжни қондиришга интилиши зарур.

Чукурлашган ва кенг қамровли тизимий ўзгаришлар юз берадётган, ижтимоий-иктиносидай ўзгаришлар жамиятимизнинг барча соҳасига ўз таъсирини кўрсатадётган бир пайдига, фан тизимида ҳам талай қийинчилклар кўринади. Фан тизимишнинг муаммолари хаёт тарзи муаммолари билан чамбарчаре боғлик, айника, қацлар масаласи, уларнинг шаклланishi, замон таъабига (ракобатбардош таъаб-эҳтиёжларга) жавоб берувчи интеллектуал илмий потенциали масаласига жиҳий ёндошишини таъаб қиласи.

Илму фан шундай бир соҳаки, кариб қолиш, кексайиш, сафдан чиқиб қолиш каби, ҳолатлар унинг табиатига бегонадир.

Шуни айтиш жоизки, мутахассис илмий ходимларниң бошқа соҳаларга ишга кетиб қолиши, яъни илмий потенциалнинг бузилиши фанни ҳар томонлама таҳлили қилиши, ривожлантириш ўйларини излашга мажбур қиласи. Бинобарин, илмий потенциалнинг сони ва сифати фан ривожининг босқичи ва натижасига бевосита таъсир қиласи.

Ходимларни турли хил томонларга асосан қўйидагича баҳолаш мумкин:

- 1) Мутахассислик мезони. Бугда мутахассис илмий ходимларниң фан тармоклари ва мутахассислиги бўйича тақсимланиши ифодаланади.
- 2) Институционал мезон. Бугда илмий даражали мутахассисларниң фан тармоклари, ижтимоий институтларга тақсимланиши киради. Ўз навбатида институционал қисмларни:
 - а) олий ўкув юртлари;
 - б) ЎзР.ФА нинг илмий тадқиқот институтлари;

¹ Ислом Каримов. Фан Ватан равнавигига хизмат килсан // Биздан озод ва обод Ватан колсан. Т.2. – Т., 1996. – 81 бет.

- в) тармөх вазирлигининг олий ўкув юрглари ва тадқикот институтлари;
- бошқарув тизимлари (хукук тартибот, ижрочи; суд органлари);
 - молия хўжалик ташкилотлари ва тизимлари ташкил этади.

3) Илмий фаолият ва ўзига хослик мезони. Бунда касбий маълумоти ўзгача, лекин фан соҳасида (специфика-ўзига хос хусусиятга эга бўлган) мутахассис ҳисобланган ходимлар хусусида тажини қилинади. Демографик этник мезон. Бунда ходим демографик, ёш, жинс, этник, миллий ва ҳаказо белгилари оркали ифодаланади.

4). Регионал мезон. Фан соҳасидаги илмий ходимларнинг, худудий минтақа бўйича тақсимланиши киради.

Илмий ходимни баҳолашда, унинг илмий даражаси ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўймасада, у тайёрлаган диссертация фан учун аҳамиятли, шу соҳага кирифтилган илмий хисса деб тушунилади.

Шахснинг шаклтаниши учун кадрлар билан узликсиз, комплекс равишда куйидаги тартибида иш олиб бориши зарур;

- мағкуравий фаолиятларни такомиллаштириш;
- кадрларни илмий тадқикот режалари бўйича тўғри тақсимлаш;
- юқори илмий савиядаги мутахассис кадрлар таёrlашини йўлга кўйиш;
- илмий тадқикот ишлари натижалари билан давлат-жамият таълабларини бажарини ва илмий ходимларнинг шахсий эктиёжларини тўла қондириш;
- жадал суръатларда кадрларни таёrlаш ва ўстириш учун ишлаб чиқарни корхоналари билан биргаликда иш олиб бориши .

Илмий ходимларнинг ижодкорлик қобилиятини ўстиришда раҳбарларнинг бошқарув қобилияти ҳал қилувчи роли ўйнайди. Жамоа ҳар бир илмий ходимнинг ижодкорлик қобилиятини шакллантириши учун раҳбар билан ходимлар ўртасида ўзаро ишончга таинган ҳамкорлик мұносабати ўрнатини зарур. Жамоа билан ходимларнинг иш натижалари самараси мұнтазам баҳолаб борилиши лозим. Бунда :

- иш натижаларининг хилма-хил соҳалари учун аҳамият касб этишини аниглаш керак;
- раҳбарлик томонидан жамоанинг эришган ютукларини мунтазам баҳолаб бориши оркали маънавий психологоқ мұхитни яхшилаш лозим;
- юқори савиядаги бажарилган ишларни мұносиб равишда тақдирлаш, колганинг керакли бўлган шароитни яратиб, яхши натижага келтириш;
- баҳолашни маҳорат билан, юқори малакада, мұнгзазам, ўз вактида, асосли тарзда олиб бориши зарур.

«Илм маскандарнинг факаттинга фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш хукмрон бўлмоғи зарур.»¹

Илмий фаолиятни самарали олиб борилишида оммавий аҳборот воситалари стакчи роль ўйнайди. Ҳолбуки, у ёки бу корпорациянинг илмий, ишлаб

¹ Ислом Каримов «Бунёдкорлик йўлидан» Тонкент – «Ўзбекистон» – 1996 й. 90-б).

чикариш соҳаларидағи, хаёт тарзидаги таъсирини ифодалаш, ижтимоий фикрни тўғри баён этиш, самарали ишларни оммалаштириш, ижтимоий иқтисодий муаммолар ҳал килиниши сиёсатини тўлиқ олиб боришининг асосий йўлицир. Бунда асосий диккат илмий элитага қаратилади. (элитага илмий мухитнинг ёнг сара помоёндалари давлат сиёсатида дастурий, молиявий таъминот ва хукуқий масалалар ҳал килинишида иштирок этувчи юкори лавозимдаги олнимлар киради.)

Фанда нашр ишлари, нашр мөхнат таъминоти мухим ва долзарб ўринни эгалайди. Шуни айтиш жоизки, илмий мулокот, билимнинг ривожи, тарқатилиши, илмий савия нашр этириш орқали эътироф этилади. Фанда илмий элитанинг берган интервью ва мақолалари орқали давлат сиёсатининг асосий стратегик масалалари баён этилиши; илмий мухитни ислоҳ қилиш, ўзgartариши усуслари бўйича фойдали тақлифлар берилishi мумкин. Бу жуда катта аҳамиятга эга, чунки илмий мухит ислоҳи, унинг ҳарактери ва ўналиши, илмий сиёсатнинг олиб борилиши, маблағ манбалари ва уларнинг хажми ҳамда мухимлиги диккатга сазовордир.

Фан аҳлига, зиёлиларга самарали ишлаш учун зарур шароит яратиб бериш давлатнинг бурчидир.

Хозирги вақтда фан таъминотининг **концептуал** вазифаси куйидагicha:

1. илмий тадқиқотларнинг тўйи таъминлов концепцияси;
2. мухим илмий ўналишларга хомийлик қилиш концепцияси;
3. фаннинг бозор жараёнига мослашиши концепцияси;

Илмий тадқиқотларнинг тўла таъминлов концепциясининг асосий мөҳияти шундаки иборатки, уни ташкил қилувчи элементлари амалий (конкрет илмий натижалар олувчи) фан ва фундаментал (назарий концепция) ва моделлардан ташкил топган) фан билан ҳамоҳанг ривожланиши лозим. Бунда айниқса, фундаментал фан ривожига кўпроқ ургу берилади. Турли хил фундаментал фан ўналишлари, тармоқлари, унинг мактаби ўз-ўзидан ривожланган эмас, уларнинг бироррасили ўйқотиш фундаментал фан тизимга катта зарба бериши мумкин. Бундан чиқадиган хулоса шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шароитида таъминлов масаласи жиддий ва оғир бўлса-да, давлатнинг фундаментал фанга муносабати патернализм (католик динидаги худога содиклик) ёки исломдаги иймон даражасидаги содиклик каби бўлиши лозим. Бу бораца Президентимиз - «Айниқса фундаментал фанларга алоҳида ётибор бериш керак. Чунки фундаментал фанлар тараққиёт асосидир» - деган фикри илғари суради.²

Хозирги кун бозор шароитида фан таъминлови куйидагicha:

- 1) давлат бюджетидан тўғридан-тўғри сармоялар ажратиш;
- 2) грант ва инновацион лойиҳалар орқали маблағ ажратилиши;
- 3) корхона, фирма ва коорпорациялар томонидан бюджетдан ташқари хисоб бўйича маблағ ажратилиши асосида олиб борилмоқда.

Лекин шуни айтиш жоизки, грантва инновацион лойиҳалар бўйича таъминлов эпизодик ҳарактерга эга, у фаннинг асосий муаммоларини синиша ёрдам бера олмайди. Корхоналар, фирма, карпорациялар томонидан ажратилган

¹ Ислом Каримов. Фан равнаксиси булоқ давлат куриб булмайди. // Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.Т., «Ўзбекистон» 1996, - 90-бет.

² Фан равнаксиси булоқ давлат куриб булмайди. // Ислом Каримов «Бунёдкорлик йўлидан» Т.4, «Ўзбекистон» - 1996, 9 - бет.

бюджетдан таңқари таъминлов жуда ҳам кам (йўқ хисобида), ҳолбуки, кўп ишлаб чиқариш компаниялари фанга инвестиция ажратишга қодир эмаслар.

Муҳим илмий йўналишга ҳомийлик қилиш концепциясида мамлакатдаги мағужд иқтисодий қийинчиликларга қарамай фаннинг балзи бир зарурӣ фундаментал йўналишлари учун давлат томонидан ёрдам берниши кўзда тутилади. Натижада фанда муйян жиддий институционал ва иқтисодий жиҳатдан объектив зарурат келиб чиқиши мумкин. Фаннинг бозор иқтисодиётидаги ислоҳотланиши, мосланувчи зарур, у ўрнида фан тармоқлари ва соҳалиларини нечоёни мақбул ривожлантиришгича боғлиқ. Демак, зарурий илмий йўналишларни аввал назарий, сўнгра институционал шаклда, хуқукийасосда таъминотини режалаштириш йўлга қўйилади.

Давлат бошқаруви таъминоти илмий йўналиши доирасидаги мактабларнинг ҳозирги купча факат "омон" қолиши учун эмас, балки жаҳон андоузалари бўйича замонавий талаб ва таклифга мос раввища барпо қилининишига кўмаклашимиш керак. Зоро, воқеликни умумий ва тадбикий изчилликда тасвирлаш объектив тараққиёт қонунларини очиб бериш, илмий фаолиятда моддий техника ва информацион таъминловни мухтасар тарзда таҳдил қилиш имкониятини туддиради.

Таълим социологияси – у таълим тизимини янаца кенгроқ ижтимоий тизимларни кичик тизимлар сифатида ва унинг бошқа кичик тизимлар ва бутун бир жамият билан ўзаро нисбати ва ўзаро ҳаракатини ўрганувчи социология соҳасидир; бу таълим ижтимоий тамойилларини таълим тизимларининг ўзаро ҳаракати қонуниятиларини ижтимоий институт ва жамият, ижтимоий гуруҳлар ва шахслар бўлган ижтимоий ташкилотлар сифатида ўрганувчи фандир. Бу ерда таълим социологиясининг таълим тизимини ўрганишга ёндошиши билан педагогикани ёндошиши ўртасидаги фарқ аниқ равшан. Педагогиканинг педагогик фаолияти аввало таълим жараёнларининг ички ҳусусиятлари ва қонуниятиларини, унинг дидактик асосларини бевосита ўргангандан бир пайтда таълим социологияси – уларнинг янаца кенгроқ ижтимоий асосларини, ижтимоий тизимлар ва таълим кичик тизимлари ҳусусиятлари ва қонуниятиларини ўрганади. Бу таълим социологияси шугууланувчи ўзбу мазмунини таҳдил қилиш ва аниқлашда аниқ кўриниб турибди.

Таълим социологияси таълим ва социумнинг чукур ва мустақил ўзаро боғликлитини тан олишдан келиб чиқади. бир томондан, айнан ижтимоий шароитлар ва омиллар бевосита таълим тизимнинг ҳусусияти, турини аниқлайдилар ва шунинг учун таълимнинг оптималь тизимига эришиц учун мос ижтимоий дастробаки шарт-шароитлар ва фикрлар зарурдир; бошқа томондан, ўцбуларнинг керакли ўзгаришисиз таълим тизимини мухаммалаштиргасдан туриб, эришиб бўлмайди. Бунда шуниси муҳимки, жамият ишлаб чиқаринининг эришилган ривожланиши даражасига нисбатан илмий-техник ва ижтимоий тараққиётни, таълим ривожлапишининг илгарилаб кетишни шундай таъминлаш керакки, яъни у шафакат бир лаҳзалик балки келажак ижтимоий талабларга жавоб берсин. Реал ҳаётда шу асосда жамият талаблари билан юзага келган ҳусусияти жиҳатидан етарли консерватив бўлган таълим тизими ўртасида доим турли қарама-қаршиликлар пайдо бўдади ва ечилади. Бу қарама-қаршиликлар ва

уларни ечиш жараёларини тадқиқот қилиш таъдим социологияси вазифасига киради.

Таълимнинг ижтимоий роли ва ижтимоий функцияларига багишланган социологик тадқиқот жуда мухимdir. Одатда, қуйидаги мухим функциялар ажралиб туради; а) маданийтиң тарқатиш ва авлоидан-авлоидга кўрсатиш функцияси; б) жамият маданийтини сақловчи ва генератор функцияси; в) шахсни социализациялаш функцияси, айнича, ёшлиарни ва уларнинг жамиятта интеграцияси, холбуки, маданий меросни ўзлаштирумасдан жамият тараккиёти ва шахс ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди; г) ижтимоий танлов (селекция), жамият аъзоларини дифференциациялаш функцияси, биринчи навбатда ёшлиарни, чунки жамият ижтимоий тузилиши ўзгариши ва ишлаб чиқаришни инцивидаш ва ижтимоий ҳаракатчанлигини таъминлади, модомики, шахснинг ижтимоий статусини аниклашда бутунга куна маҳум ўлчов хизмат килади; д) ижтимоий маданийти ўзгаришлари функцияси, айни пайтда айнана таълим тизимида янги технологияларни тадбик қилиштага ва унинг маданийтини бойитишга йўналтирилсан кўпласбанд ишлаб чиқилемокда; е) ижтимоий назорат функцияси ва ҳаказо.

Таълим социологиясида таълим тизими ўз ижтимоий тамойилларни ўрганиши мухим ўрин эгаллайди; ўкув юртлари ижтимоий тизим, ижтимоий институт ва ижтимоий ташкилотлар сифатида; ўкув фаолияти таълим соҳасида ижтимоий фаолиятнинг асосий кўринини сифатида; таълим тизими ижтимоий тузилиши (ўқувчилар, педагоглар, таълим ташкилотчилари ва бошқалар), ўқувчилар, ўқитувчилар ҳаёт тарзи ва ижтимоий кўринини, ижтимоий роллари, ижтимоий статуси ва бошқалар. Таълим тизимининг ривожланиши янги бозор шароитларида анча мураккаб муаммоларни юзага келтиради, уларни социологик тадқиқот қилиш таълим социологиясини мухим ва актуал масалаларидан ҳисобланади. Шундай қилиб, таълим тизимининг гуманизацияси ва демократизацияси, ўкув юртларининг мустақалигиги, автономиягини кенгайтириш, давлат ўкув юртларини хусусийлар билан бирга олиб бориш, пулсиз ва пулли ўқитишилар ва бошқа жиҳдий янги киритишиларни ўйгунаштириш ватанимиз таълим тизими ишига буткул ижобий таъсир кўрсатди, унинг шакл ва усусларининг турли-туманилигини кучайтириди, новаторлик ва ҳаказолар учун йўл очилди.

4 - Мавзу бўйича таинч атамалар.

1. Ижтимоий бирдамлик - бу кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория, у ижтимоий ҳаётда фаблият кўрсатастган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларицаги ҳамкорлигицинг қўринишидир.
2. Бегоналашув - одамлар, ижтимоий гурухларнинг бир-бiri билан ёнма-ён яшашларига қараемай уларнинг муносабатларидаги азалий бирлинкинг бузилиши ва унга олиб келадиган жараён.
3. Мафкура - муайян ижтимоий гурух, ижтимоий қатлам, миљлат, давлат, ҳалқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад муддаолари, манбаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойинларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимицир.
4. Миљлай мафкура - бирор миљлатнинг барча манбаатларини ифодалаған, миљлатнинг ўзига хос тафаккур тарзига мос келадиган ғоялар тизимицир.
5. Йилмий эдита - илмий мухитининг энг сара намёндадар, давлат сиёсатида дастурний, молиявий таъминот ва хукукий масалалар ҳал қилинишида иштирок этувчи юқори лавозимдаги олимлар.

4-Мавзу бўйича умумий саволлар.

- 1.Бирдамлик ва кооперация - жамият баркарорлигининг асосий омили деганда нимани тушунасиз?
- 2.Бегоналашув ва унинг ижтимоий оқибатлари ҳақида гапиринг.
- 3.Таназзул ва унинг ижтимоий оқибатлари ҳақида гапиринг.
- 4.Миљлий мафкура деганда нимани тушунасиз?
- 5.Миљлий истиқтол мафкурасини ҳалқ онтига сингдириш нима учун долзарб масала ҳисобланади?
- 6.Маданий begonaalaşuv kanday salbij oqibatlari olib keliishi mumkin?
- 7.Iqtisodiy begonaalaşuv va uning şakllari ҳaқida aytin.
- 8.Fan soсиологияси деганда нимани тушунасиз?
- 9.Fan социологиясининг илмий тизимдаги ўрни қандай?
- 10.Fannining ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни қандай?

5-МАВЗУ. МАДАНИЯТ, ДИН ВА АХЛОҚ СОЦИОЛОГИЯСИ.

Режа:

1. Маданият социологияси.
2. Дин социологияси.
1. Ахлоқ социологияси.

Адабиётлар

1. Каримов. И.А. Баркамол авлод орзуси, Т. «Шарқ» 1999.
2. Каримов. И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт - пиравард максадимиз. Т. «Ўзбекистон» 2000.
3. Каримов. И.А. Миллый истиқбол мағкураси. Т. «Ўзбекистон » 2000.
4. Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби мұқаадасири. Т «Ўзбекистон» 1999.
5. Каримов. И.А. Маннавий юксалиш йўлида. Т. «Ўзбекистон» 1998.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. «Ўзбекистон» 1992.
7. Ўзбекистон Республикаси Конунчари. Т. 1999.
8. Аликариев Н.С. ва бошқалар. Умумий социология. Т. «Ун-т» 1999.
9. Бегматов А. Социологияга кириш. Андижон 1995.
10. Бекмуратов М. Социология асослари. Т. «Фан» 1994.
11. Юнусов К. Социология, Метод ўкув кўлиянина. Андижон. 1997.
12. Холбеков А, Идиров У. Социология. Лугат. Т. «Иби Сино» 1999.
13. Социология. Маъruzalap матни. Т. 2000.
14. Социология. Маъruzalap матни. Т. 2002.
15. Энтони Гиценс. Социология. Т. «Шарқ» 2002.
16. Николас Аберкромби, Стивен Хилл, Брайанс, Тернер. Социологический словарь.Москва. «Экономика» 2002.
17. Харчева В. Основы социологии. Учебник.Москва.«Логос»1999.
18. Фролов С.С. Социология. Москва. «Гардарики» 1999.
19. Волков Ю.Г. Мостовая И.В. Социология. Москва. «Гардарики»1999.
20. Самыгин С.И, Перов Г.О. Социология: 100 экзаменационных ответов. Ростов на- Дону. «Март» 2000.

Маданият тушунчаси жамият тушунчаси сингари социологияда энг күп күлланиладиган тушунчалар бири. Кундаклик ҳаётда «Маданият» атамасини күллар эканмиз, оғнине олий маҳсуллари бўлган санъат, арабиёт, мусика, рассомлик кабиларни назарда тутамиз. Социологияда маданият тушунчаси ижодий фаолиятнинг ўз турларинисина эмас, яна кўп ҳодисаларни ҳам қамраб олаци. У ўз ичига кийинши хусусиятлари, оиласив ҳаёт ва никоҳ маросимлари, меҳнат фаолияти ва диний руслумлар, таълим-тарбия ва бўш вакъни канадай ўтказиш кабиларни ҳам қамраб олаци. Унга яна одамлар томонидан яратилган ва муайян қадрия хисобланадиган нарсалар: ўқ-ёй, омочлар, фабрика ва машиналар, компютерлар, китоблар, уй-жойлар ҳам киради.

Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, хулк, хукуқ, таълим, тарбия, ижоӣ, илм - фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан бирга ривожланади. Жамиятнинг тараккиёт даражасини акс эттиради.

Маданият тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода - инсониятнинг бутун тарихий тараккиёт жараённада яратган барча моддий ва маънавий бойликларининг йигинидини акс эттиради. Тор маънода маданият атамаси жамиятнинг маънавий эстетик турмуш даражасини ифодалаш учун кўлланилади. Маданият атамаси кенг маънода кўлланилиб, жамиятнинг ишлаб чиқариши, ижтимоий ва маънавий ҳаётида кўлга кирилган ютуқлар мажмуи, бирор ижтимоий турӯҳ ёки ҳалқнинг маълум даврда кўнга кирилган шундай ютуқлари даражасини, ўқимишлilik, таълим-тарбия кўрганлilik, зиёлилilik, маърифатлилilik ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келациган щартлари йигинидини билдиради. БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига кўра 2000 йил "Ҳалқаро жаҳон маданияти йили" деб ўзлон қилинганлиги бежиз эмас.

Маданият ҳодисаси XX аср бошлирдан ётиборан социологиянинг алоҳида йўналиши сифатида тадқиқ этила бошланди. Бугунги кўнга келиб, маданият кенг тасниф доирасига эга бўлган ҳодиса сифатида моддий ва маънавий, оммавий меъберий (норматив), сиёсий, ахлоқий, хукуқий, анъанавий, меҳнат-касбий, ишлаб чиқариши ва хаказо маданият хилларига ажратилган ҳолда тадқик этилмоқда.

Маданият кишиларнинг яратувчилик фаолияти, маҳсади савй-ҳаракатлари натижасида моддий ва маънавий қадриятлар, шахсни шакллантириш ва камолотида мухим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Маданият социологияси «тушунувчан» ("изохловчи") социология 70-йилларда Германия ва Францияда вужудга келган оқим. Маданият социологияси ижтимоий ҳаётнинг мураккаб шакллари, ақлӣ ва маънавий ҳаёти, яъни санъатни, дин соҳасини, фанни ва хаказоларни таҳдид этишга қобилиятсиз бўлган позитивистик социологиянинг назарий-методологик чегараланганлитигига акс таъсир сифатида вужудга келган.

Маданият - инсоннинг фаолияти, унинг оқибати ва яратилган моддий ва маънавий қадриятлар, шахсни шакллантириш ва камолотида мухим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Илмий арабиётларда маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлини расм бўлиган. Маданиятнинг бундай бўлини инсон фаолиятининг икки асосий соҳаси - моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан бевосита болилариди.

Моддий маданият моддий ишлаб чиқариш билан боелик, ижтимоий фаолиятнинг барча соҳалари ва натижаларини ўз ичига олади. Моддий

маданияят тизимига уй-жой, кийим-бош, уй-рўзгор буюмлари, иштеймол воститалари деб аталадинган нарсалар ҳам киради.

Маънавий маданияят маънавий ишлаб чикариш, ижтимоий онг шаклларининг яратиши билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг барча соҳаларини камраб олади. Маънавий маданияят намоён бўлишининг турли шакллари ҳар хил тасаввурлар ва ғоялар, назариялар, таълимотлар, илмий билимлар, санъат асарлари, аҳлоқий ва ҳуқуқий нормалар, фалсафий, сиёсий қарашлар, мифология; дин ва ҳаказолар ана шундай фаолият натижасидир.

Моддий ва маънавий маданияят бир-бiri билан узвий боғлиқ. Биринчидан, ҳар иккаласи ҳам маданиятнинг узвий ўзига хос қисмлари эканлигини унутмаслик керак, иккичидан, инсон фаолиятнинг маҳсулни бўлган кўпгина нарсалар ҳам аклий, маънавий, ҳам жисмоний меҳнатнинг натижаси сифатида пайдо бўлди.

Маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши:

- 1) ўзидан оддинги авлодлар яратган қадриятларни ўзлаштиришдан бошланади;
- 2) у янги қадриятлар яратиш йўлида таяич вазифасини ўтайди.

Ана шу икки жараён - эскилиқ билан янгилик ўргасидаги объектив зарурий боғланиш ворислик деб аталади. Лекин бунда тараққиётга хизмат киладиган прогрессив ворисликни унга тўсиқ бўладиган реакцион ворисликдан фарқлаш лозим бўлади. Маданиятта ижобий (позитив) ва салбий (негатив) таъсир этувчи ворислик ҳам мавжуд.

Маданиятда анъанаалар омилининг роли бекиёс. Халқ маънавий мероси, анъана ва урф одатлар туфайли¹ кишиларнинг тарихий, маданий тажрибаси тўпланиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради.

Маданият бевосита қадриятлар билан боғлиқ, унинг турлари қўйидагилар:

- 1) Инсон ящаб турган моддий мухит билан боғлиқ бўлган қадриятлар;
- 2) Анъанаалар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар;
- 3) Инсоннинг акл илроқи ва амалий фаолият заминидаги шакллариган меҳнат малакалари ва кўнгилмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва иштейодларида намоён бўладиган қадриятлар;
- 4) Одамлар ўргасидаги жамоавийлик, ҳамкорлик, хайриҳолик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар;
- 5) Кишиларнинг ёши, касби, жинси, иркӣ ҳусусиятлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

- * Юқорида баён этилган қадриятлар ўз навбатида:
- 1) умуминсоний қадриятлар;
 - 2) минтақавий қадриятлар;
 - 3) миллий қадриятлар;
 - 4) диний қадриятлар турларига бўлинади.

Маданият социологиясида ижтимоий институтлар мухим ахамиятта эга. Ижтимоий институт деганда кишиларнинг ижтимоий фаолиятлари ташкилланадиган муассасалар ва уларда хулкнинг мувофиқлаштирилуви тушунилади.

¹ Фалсафа. Т., «Шарқ», 1999, 301-337-бетлар.

Ижтимоий институттарнинг кўринишлари:

- 1) мувофиқлаштирувчи (реляцион институтлар-жинс ёш, тартиб, каби тур қобилиятларига оид мезонларни аниқлаб беравви ижтимоий институтлар);
- 2) Бошқарув (идора этиши) институтлари;
- 3) Бирлаштирувчи (интегратив, уйғунлаштирувчи) институтлар;
- 4) Анъаналар билан боғлиқ ижтимоий хўлткни мувофиқлаштирувчи институтлар (одатлар, маросим, қариндош-уругчиллик муносабатларидан иборат фаолиятларни ташкилловчи);
- 5) Маданий ижтимоий институтлар (дин, санъан, адабиётта доир фаолиятлар мувофиқлаштирувчи).

Маданият социологиясида одамларнинг ителектуал, ахлоқий, эстетика фазилатлари амалий қизикчи ҳамма эктиёжи мухим аҳамиятга эга.

Маданият ходисаси тараққиёт, цивилизация тушунчалари билан бевосита боғлиқ, бу борадаги алокадорлик ҳусусици ҳам алоҳида тўхталиш максади мувофиқидир.

«Цивилизация» (лот. «фүқаролик», «фүқароликка оид», «давлатта оид»² де маъноларни билдириди). Бу тушунчани Шотланд тарихчиси ва фойнеси А.Фергюссон (1723-1816) жаҳон тарикий жарабёнининг маълум бир босқичи ифодалаш учун ишлаган бўйса, француз маърифатпарварлари ақи-идрок адолатта асосланган жамиятга хос бўлган атама маъносида ишлатган эдилар. Жонайдай цивилизация:

- 1) муайян ижтимоий ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясига;
- 2) ривожланиб борувчи маданий алокалар, қафириятлар, фалсафя, қарашлари, одоб-ахлоқ, нормаларига;
- 3) ижтимоий ҳамкорликнинг позитив шакл ва услубларига эга.

Демак, цивилизация-жамият ривожидаги мағтийӣ, прогрессив босқич, ижтимо ва маънавий ривожланиш даражаси сифатида маданият тушунчаси билбевосита боғлиқидир.

• Маданият шакллари асосан 3 хилда фарқланади:

- 1) Элитар маданият;
- 2) Халқ маданият;
- 3) Оммавий маданият.

1. Элитар маданият -(французча - "энг сара" сўзидан олинган) - кар қандай ижтимоий³ тизимларнинг бошқарув, маданият, фанни ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёли катдамидир. Элита ҳакиқат назариялар дасаввал Платон, Ницше қарашларидан баён қилинган, измири кўринишга XX аср бошларида В. Порето, Г. Москва, Михельслар томони, келтирилган. Ҳозирги Фарб социологиясида элита турли таъкид этила. Бунда элита ҳоқимиятта йўналтан, сийёсий жиҳатдан энг фаол одамлар (Москва) жамият энг кўп обрӯ, макоц, бойлика эга бўлган, оммага нисбатан ақлий ахлоқий устуњликка эга одамлар (Х. Орtega-и-Гиссет), жамиятнинг ноижодий кўпчилигидан фарқ қиливчи қисм (Гоинби), энг малакали мутахассислар менежерлар ва бошқарув тизимидаги олий хизматчилардир, деб изоҳлайди.

¹ Умумий социология. Т., ТонидУ, 78-бет.

² Фақфа. Т., «Шарқ», 1999, 308-312-бетлар.

³ Холбекон А., Идрор У. Социология. Лугат. Ташкент, Иби Синто нацинети, 1999, 69, 93, 118, 142, 152-бет.

2.Халк маданияти - маҳсус тайёргарлиги бўлмаган шахслар томонидан бунёд бўлган маданият. Халк ижодининг муалифлари одатда номатлумдир. Жумладан, афсонанар, эртаклар, достониар шулар жумласидан, улар якка (масалан, баҳшилар), турӯхий (кушпик ёки ўйин ижроси) ёки оммавий (масалан, сайллар, халиқ байрамлари) кўринишга эга бўлиши мумкин.

3.Оммавий маданият - XX аср ўргаларида оммавий муножот ва ахборот воситаларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши ва барча ижтимоий ғурӯхлар учун етарли бўлиши натижасида шаклланган ва моҳиятан барча ёшдаги аҳоли учун тушунарли бўлган маданият намуналари (эстрада, мусика, ширк). Оммавий маданият барчага қартиягандан, муттасил равищада куниданик ҳаёт учун ишлаб чиқилиди ва оммавий ахборот воситалари фаолиятида ёрқин намоён бўлади.

Оммавий маданият одатда кибормар ёки халк маданиятига нисбетан камроқ бадиий қадрга эга ва омма томонидан ўзлаштиришга мўлжаллаб яратилиди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, милий истиқодол гояси «Маданият ва санъат соҳалари фаолиятининг бутунлай тижорат асосида ташни этилишига, гоявий бадиий жиҳатдан саёз ёш асарларнинг стакчи ўринни эгаллаб олишга йўл Кўймаслик»¹ муҳим аҳамият касб этади.

Дин табиат, жамият, инсон ва унинг онти, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятнинг бевосита курилаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган, айни замонца инсонларга тўғри, хакиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсагчиган ва ўргатдиган илоҳий курдатга илонч ва ишонишини ифода этадиган маслак, караш, таълимотдир.

Дин муайян таълимотлар, хис-туйгулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам ҳаёт яратилишини тасаввур килишининг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули, оламда инсоният ийдо бўлгандан то бизгача ўтган даврларни илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда салмоқли тарбияловчи курдатга эга бўлган мальянӣ-аҳлоқий кучдир.

Ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаси бўлган дин ва диний эътиқод масаласи социология фанининг муҳим обьектларидан бири хисобланади. Социология жамият ҳаётини ўрганар экан, шу ҳаётнинг муҳим тарқибий қисми бўлган ва айни пайтда унга кучли таъсир ўтказувчи омил - дин доимо унинг диккат марказида бўлган. Конт жамият тараққиётини даврларга бўлар экан, асосий мезонлардан бири сифатида динга мурожаат қиласи. Унинг фикрича инсоният ўз ривожида уч босқични босиб ўтади. Булар куйидагилар: теологик, метофизик ва илмий босқигилар. Хар уч босқичда ҳам дин муайян рол ўйнайди.

Дин куйидаги ўзига хос белгиларга эга:

I. Муайян эътиқод ва таълимотнинг мавжудлиги. Хар бир дин дунёни ўз нуктая назарича изоҳлайди ва ишонувчиларда муайян эътиқод шакллантиради.

II. Маросим ва расм русмлар. Хар бир дин ўзига хос маросим ва расм русмларга эса.

III. Диний маросим ва расм русмларнинг муайян қисми факат белгиланган жойларда жамоа билан бажарилиши. Масалан, яхудий ва христиан динида ибодатнинг асосий қисми черковда бажарилади. Ислом динида эркаклар

¹ Мислив истиқодол гояси!»: асосий тунунича ва тамойизлар, 65-бет.

томонидан ўқиладиган намоз асосан жомъе масжидларица ўқилади. Дин сеҳргарликдан аввало мана шу белги билан, яни муайян маросимларни муайян дағрапарда бажарып билан фарқлашади. Сеҳргар на шомонилар тайригтабиий харакатларни индивидуал холатда бажарсаңдар, диндерлар диний маросим ва ибодатларни асосий кисмени жамоа билан бажарасылар. Санаб ўтилган белгиларнинг учтаси ҳам дунёйн динларниң барчасида мавжуд. Бу динлар кийилатилар: иудаизм, христиантик, ислом.

Иудаизм улар ичида энг қадимиис, милоддан таҳминдан минг йил олдин шакланган. Бу дин ўша даирдаги динлардан фарқли ўлароқ, якка худони тан оларди.

Милодий эрамининг дастлабки асрларида яхудийлар дунёйнинг кўп мамлакатларига тарқаб кетдилар, лекин бирор мамлакатда иудаизм расмий дин сифатида тан олинмади. Кўп мамлакатларда бу дин вакиллари таъқиб остига олинди. Иккитчи жаҳон уруши йилларида нацистлар томонидан кўғлаб яхудийлар қириб юборилиди. Уруш тутагач, Истроил давлати ташкил топди ва унда иудаизм расмий дин сифатида эътироф этнлди.

Христианлик даставал секта сифатида иудаизм таркибида вужудга келди ва Кичик Осиё, Юнонистон, Римда тарқала бошлиди. Император Константин дэврида бу дин Рим империясининг расмий дини деб ўзлон қилинди. Христианликнинг проваславие, католицизм, протестантлик каби бир неча тармоқ ва оқимлари мавжуд.

Ислом дини эрамизнинг VII асрода шакланган. Бу диннинг асосини 5 руки ташкил килади: 1) Иймон; 2) Намоз; 3) Рўза; 4) Закот; 5) Ҳаж.

Исломда суннитлик ва шиа йўнилишилари мавжуд ва улар ҳам ўз навбатида бир катор мазқабларга бўлиниди. Мусулмон дини дунёйнинг 5 китъасида ва дэрсли барча мамлакатларда мавжуд. Саудия Арабистони, Ливия, БАА, Иордания, Жазоир, Покистон, Эрон каби катор мамлакатларда Ислом расмий дин деб ўзлон қилинган. Ислом динида ҳам мўътадил ва ақида параст оқимлар мавжуд. Уч оламий диндан тацқари будданийлик, индуизм, кунфучилик каби динлар ҳам кўп миллионлик тарафдорларига эга.

Индуизм эрамиздан оддинги 4 минг йилликларда шакланган. Бу дин тарафдорлари асосан Хиндистонда яшайдилар. Бу дин одамларнинг касталарга бўлинишини илоҳий сабаб билан изоҳлайди.

Будданийлик, кунфучилик ва даоцизм динлари учун умумий хусусият шундаки, уларнинг тарафдорлари худони эътироф этмайдилар.

Будданийлик эр.авв. VI асрларда Неполда яшаган Судҳартха Гаутама таълимотидан бошлиданци. Бу дин Таиланд, Бирма, Непал, Шри-Ланка, Хигой, Япония, Корея сингари мамлакатларда тарқалган.

Кунфучилик эр.авв. VI асрда яшаган Кун-Фу-Чи таълимогига асосланган. У Будда билан бир вақтда яшаган, инсоннинг табиат билан уйғуланиш йўлиларини актаргани. Фарб ва Шарқ олимлари дин ва жамият муаммоси устида кўп асрлардан бўён бош қотириб келмоқдашар. Бу масалага Марказий Осиёдан етишиб чиккан улкан алломалар Юсуф Ҳос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Улугбек, Навоий, Бобур каби юзлаб олимлар чукур фикр башдиргандар. Бу олимлар диннинг жамиятда туттган ўринини таҳлил қилиншида кузатиш, киёснаш, тарихийлик усулиларидан кенг фойдаландилар. Улар бир динни маҳб этиб, бошқасини танкид қилиш йўлидан бормадилар. Хусусан, Беруний ўзининг «Хиндистон» китобида турли қабилалар, эллатилар ва ҳалқлар ҳаётидан динлар қандай рол ўйнаганини

чуқур таҳлил қилиб берди. Лекин дин социологияси XIX аср окири XX аср бошларыда шаклланыб, бу М. Вебер номи ва илмий фаолияти билан болжык. М. Вебер ижодида динни социология таҳдил қилиш марказий ўринин эгаллады. К.Маркс барча динларни ағилюп деб зыян қылса, Вебер дин ва жамият мұносабатларини таҳлил қилиб, умуман дин тұғрисида әмас, мұайан давраги мұайян дин ёки диний оқым тұғрисидағы фикр юртти. М. Вебернің зиян катта хизметпәридан бири, уннинг христиан диншілдері протестантлик мазхабининг шигесідій ҳәттә үткәзгән таъсирини қашш әтишица бўлди. Бойлик ортиришга қарши бўлган христиан динни мазхаблари иктисадий тараққиётга маълум даражада тўсиклик қилганилар. Протестантлик эса бойликни Ҳудонини пельмати, унга интилиш бандаларнинг бурчи, деб иктисадий тараққиёт ва капиталистик мұносабатларнинг ривожлапишига туртки берди.

Вебер талкнида, протестантлик капитализм вужудига келишидаги асосий сабабиридан бири эди. Вебер динларни таҳлил қилиб, улар саноат капитализмидеги ривожлапишига гов бўлмоқда деган ҳуносага келди.

Ислом динидаги оқимлар, мазхаблар, йўналишилар турлича, уларнинг барчаси ҳам факаттана ўзлари мансуб бўлган мазхаб ёки йўналиш ҳақиқий ислом дини экани, бошқалар эса йўлдан адашганлар, деб дъяво қилишади. Бошқа линиялар сингары исломда ҳам ақидапарастлик (фундаменталистик) ва мўътадил оқимлар ўргасида кураш борган. Ақидапараст оқимларнинг вакиллари динни ишлайдо бўлиши даврицаги ҳолатга қайтмоқчи бўладилар. Бу ижтимоий тараққиёт йўналишини оркага буриш учун уринини ифодасицир.

Марказий Осиёда ақидапарастларнинг кескин хуружларидан бири XX аср бошларыда юз берди. Хижоздан кириб келган ақидапараст оқимлар Марказий Осиёда ижтимоий таниликин көлтириб чиқардилар. Бидъатга қарши кураш ниқобида улар ижтимоий ҳаётда юз берган барча янгиликларни йўқ қилиш учун кураш бошлидилар.

Ақидапарастларни ижтимоий тараққиётни ортга суриш учун қилган ҳаракатларига қарши тараққийпарвар мәърифатчилар ҳаракати юзага келди. Тарихда жадидчilik номини олган бу ҳаракат намоёнидлари ҳајкни илм-мәтирифатли қилиши, диний эътиқодда мутаассиблиқдан мўътадиллик томон юз тутиш ғоялари билан чиқдилар. XX аср бошларыда диний ақидапарастлик атамаси муомалада деярли бўлмаган. Уннинг ўринида «қадимчилар» атамаси кенг кўлланилган. Қадимчилар динни "асл" ҳолатига қайtarиш ва янгиликлардан химоя қилиш учун ҳаракат қилганилар. Усуни жадидия тарафдорлари, яъни мәърифатчилар мөъёрларини белгилашда жамиятда юз берган ва бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш, янгиликларни кўллаш тарафдорлари эди. Бу иккى йўналиш ўргасида тортищулар аввало бахс, мунозар, кейинроқ, тұкнашув ва қон тўқишилар шаклида юз берди. Қадимчилар куч ишлатиш йўли билан ентишга ҳаракат қилганилар. Бу усул диний ақидапарастликка хос бўлган экстремистик усуздир. Ақидапарастлар назарий ва мафкуравий бахсларни хунрезликка айлантиришга уринганлар.

Мәърифатчилар ҳаракати намоёнидлари қадимчилар йўли мислият учун хатарли. йўл эканини ҳајкка тушунтириш максадица йўлга чиқдилар. Шу максад йўлида улар мәърифат ва мафкура соҳасида ҳам назарий ҳам амалий фаолият олиб бордилар. Қадимчилар ҳам жим турмасилар. Аввалига улар мәърифатчиларни назарий жиҳатдан енгемокчи бўлдилар. Лекин назарий жиҳатдан енга олмасликларига кўзлари етди ва ҳаётда кўй марта тақрорланган

ходиса, ақидапарастларнинг диний, назарий тортисувларцида енгилини ва зўравонликка ўтиши Туркистонда ҳам истиқболли бўлди. Ақидапарастлар энди маърифатпарварларга карши террор йўлига ўтдилар. Октябрь тўнтарилиши арафасида, ушан кейинги дастлабкүй йиллар ақидапарастларнинг маърифатчиларга қарши хунрезликлари энг авжига мингдан даври эди. 1918 йил февралида Бухоро қозиси маърифатчиларни коғир деб эълон қиласи. Уларни кўрган жойда ўлдириш тўғрисида фатво чикаради. Маърифатчилар диндор бўлганлар ва ҳеч қачон ислом динига қарни фасолият олиб бормаганилар. Бухоро қозиси фатвоси билан янгилик тарафдорларини қалтаклаши, ўлдириш бошланди. Бундан фойдаланган кўп қадимчилар ўз ракибларидан ўч олдилар, кўп янгилик тарафдорлари йўқотилиб юборилди. 1918 йил марта амир фармон чикаради. Унга кўра, жадидчиликда гумон қилинганлар Аркка олиб келиниши керак эди. Бир неча кун ичиди Аркка маҳбуслар тўлиб кетди. Жалолудларнинг кўли-кўлига тегмасди. Натижада янги жаллодлар тайинлади, шогирдлар ҳам ишга солинди, бошқа хонликларда кенг кўламда хунрезликлар бўлмасада, қадимчи ақидапарастлар таъсирида кўплаб адолосиз ишлар содир этилган. Маърифатчиларнинг етакчилари жон сақлаш учун амирилкдан ташқарига чикиб кетишга мажбур бўлдилар. М. Беҳбудий қадимчи ақидапарастлар курбони бўлди. 20-30 йилларда тирик қолган жадидларни коммунистик ақидапарастлар кириб битирилар. Шундай қилиб, жадидлар икки ақидапараст террористик кучлар диний ақидапарастлар ва коммунистик ақидапарастлар томонидан таъқиб ва киргич қилиндилаар.

XX аср сўнгидаги ҳам диний ақидапарастлар ижтимоий таниликтин келтириб чиқарнишга уринидилар. Шўролар тизимишини охиригина йилларидан ҳоқимиятнинг бўшашиган ва кипилар онгига мағкуравий бўшлиқ вужудга келганидан фойдаланиб, ақидапарастлар ўзларининг мавқеларини мустахкамлаб олишга ҳаракат қиодилар. Уларнинг бу ҳаракати Ўзбекистон мустақилликин кўлига кириктган дастлабки йилларда ҳам давом этиди. Ўзларини етарли кучга эга, деб ҳисоблаган ақидапарастлар Ўзбекистондаги Конституциявий тузимни зўрлик йўли билан ағдаришга уринидилар. 1999 йил 16 февралда Тошкентдаги портиналар, Фарғона ва бошқа вилоятлардаги салбий ҳодисалар шундан гувоҳлик беради.

XX аср ўргаларида социология фанида "фукаролик динлари" тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча илоҳий кучлар ва ҳодисаларга эмас, ижтимоий турмушдаги нарса ҳодисаларга сифинишни англатади. Масалан, Буюк Британия, АҚШ каби давлатларда байрок, мадҳияга чексиз хурмат билан қараганилар. Собиқ Совет Иттифоқида Маркс, Энгельс, Ленин шахслари аманда илоҳийлаштиришган эди. Айниска Ленин шаънига бирор ёмон гап айтиши ман қилинган эди. Бу ҳодисалар XX аср иккинчи ярмидаги диний социология йўнанишларида фукаролик динлари деб аталади.

Шундай қилиб, дин социологияси ижтимоий фикрлар дин атамаси билан боғлик барча ижтимоий жарабайлар ва ижтимоий хулкни ўрганади. Мустакил Ўзбекистонда динга миллий қадрият сифатида қаралиши халқ онгига ушбу ҳодисага нисбатан тўғри холис муносабатини шаклланishiга замин бўлди.

Ахлоқ - ижтимоий онг шакли сифатида муайян халқ, элат ёки уошманинг асрлар давомида шаклланган хулк-атвор, ҳатти-харакатлар, хис-туйғу ва кишилар ўргасидаги ўзаро реал муносабатлари тизимини ифола этади. Ахлоқ муайян халқнинг атроф муҳитта, кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари

сифатида, бир жиҳатдан маҳаллий - миilliй таълабларига уйгун мувофиқлайини таъминловчи умуминсоний хусусиятга ҳам әгаир.

Бу борада Республикаимиз Президенти И.Каримовнинг куйидаги фикрларими көлтириб ўтиш жоиз: «Аслини олганча, аҳлоқ маънавиятнинг ўзаги. Ийсон аҳлоқи шунчаки салом-алик хуимуомалалиқцандигина иборат эмас. Аҳлоқ - бу, аввало, инсоф ва адолат түйгуси, иймон, ҳалоллик дегани»¹

Аҳлоқ ва ижтимоий муносабатлар учун муштарақ манбаёндан бирки, табиийки тил ҳисобланиси, у ижтимоий ахборотни сакловчи, ифодаловчи ва етказувчи мухим восита, кишилар ҳатти-харакати, феъл-атворларини бोшқариш омилийдир. Тил мўлекот қалити-ижтимоий муносабатларнинг тарихий-табиий маҳсолидир.

Аҳлоқ ва жамоатчилик фикри ҳодисаларининг боғдиклиги иносоният тараққиётининг илк босқичи ва ундан кейинги даврларида намоён бўла бошлиған, у қабила ҳамда элатиар маниший ва ижтимоий онгида ўз таъсирини ўтқаза бошилади.

Аҳлоқ асрлар давомида одамларни жамоага, уюшувга, бошқалар манфаатини шахсий манфаатлардан юкори қўйиб, ёндашувга ундан келган. Бу хусусда улуг доиницмандлар ибратли фикр қарашларини илгари сурғанилар. Ҳазрат Баҳовуддин Накшбандий айтар эдилар: «Ҳар ким ўзгаларни хоҳласа, ўзини хоҳлабди, кимки ўзгани хоҳламабди, билсинки, ўзини ҳоҳламабди».²

Шарқ аҳлоқ қоидалари нафакат шахсни уюшувга ундаиди, балки уюшган ҳолда ҳам кишининг шахс сифатидаги бир бутунлиги барқарор турмоги, жамоавий интеграция доирасида ҳам руҳий ботиний яхлитлик санадомги зарурлиги, умумий бир бутунлик кўплаб сержило ва мустақил яхлитликлар иғфасидан иборатлигини ёркин ифодалайди.

Жамоада ўзликни англаш; аммо унда гегемонлик хукукини тараб этмаслик, мақсадга интилиса камтар ва камсурумлик даҳоларимиз илгари сурган мухим шиорлардан эди. Ҳазрат Баҳовуддин Накшбандий уқтирган «Хилват дар анжуман (анжумана) хилват ёхуд жамоаца ўзлика қолиш», сафар дар ватан (ватанда сафар, ёки ўз ўлканга мутлок эмаслигинг, бу фано замона мөхмоналигинни доимо хис этишининг) ва зоҳирда ҳаљ бишил, аммо ботинда Ҳақ билан бўлиши³ хусусидаги ўйтлари фикримизнинг исботидир.

Мовароённаҳар ҳалклари аҳлоқ тизими жамоатчилик фикрини салмоғини, унинг Ҳақ ва ислом қоидаларига нечоғли мувофиқ келининга боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этади. Шу жамоа азъоларининг тўғри ва ҳалоллиги гуноҳ ишлардан қанчалик ўзларини фориг тута билишлари билан ҳам ўрганишига эътибор қаратади. Айни чорага жамоа азъолари гуноҳ йўлга киргудек бўлсалар, уларни тарбиялаш ишидан бўйин товйамаслик зарурлиги ҳам уқтирилади. Ҳазрат Баҳовуддин Накшбандий «Бу тоифа ахлисан ҳар ким бир гуноҳ килса, унга чора-тадбир бор, бироқ ундан юз ўтириш раво эмас» деда уқтиради.⁴ Ҳалк тўғри йулдан ашашибан бўлса, унга тушуниш кўзи билан қарамок лозимлигини, ҳалкни бевосита эмас, билвосита усувларда тарбияламоқ лозимлигини тайинлайди.

¹ Аҳлоқшунослик. Матбуатлар матти. Т.2000. 116-бет

² Абул Мукмин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али Баҳовуддин Балогардон. Т., «Нузвин», 1993, 95-бет.

³ Баҳовуддин Балогардон, 72-бет.

⁴ Унга жойда, 80-бет.

Улуг ҳазрат яна бир ўринда «Ширқ (динга риоя этмаслик умум, яъни оддий ҳалқдан кечирилишир, аммо хусус (хос бандалардан) кечирилиши эмас»¹ дега ҳар бир ҳәти ҳаракат учун шахсий маъсулият ҳиссининг оширилишига даъват этади. Инсон бир умр шақлланади, тарбияланиб боради. Аслида инсон ўз ҳәстини бутун умр давомида маъкулроқ тартибга тушириш, жамият талабларига мувофикрок йўналиниларига солини ташвишлари билан яшаб ўтади. Шу боисдан ҳам жамоатчилик фикри жамият аҳлоқий қараашлари, талаб ва йўриклиларига ҳар жиҳатдан боғлиқ келади.

Инсоннинг онги фаолияти бошланган илк даврларда инсоннинг ташки дунё билан боғлиқлигини анилатувчи илк мағкуравий йўналини - тотемизм, яъни ибтидоий жамоа кишисининг ўз келиб чиқишини турли хил ҳайвон күшларга олиб бориб тақаш нуқтаи назари чукур илдиз отди. Бу хусусият ҳар хил эзатларда турлича намоён бўлаци. Тегишли ҳайвонларда ўз ўтмишини кўриш, шу ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввур, рамзлар, одат ҳамда иримлар тизимини юзага келтириди. Масалан, хиндлар сигир, қозоклар учкур от, инглизлар бургут, турон турк - ўзбекларда афсонавий Ҳумо қуши ва ҳаказолар. Тотемизм ҳалқлар маънавиятини шакллананишида, табиийки мухим боскич ҳисобланаби, у илк мағкуравий сифатида эзатларининг этиник жиҳатдан ўз-ўзини англаш қобилияти ҳамда этиник асослардаги жамоатчилик фикрини тартиб тонтиришда катта аҳамият касб этади. Бу хусусда кенгрок маълумотлар махсус адабиётларда атрофичча баёй этилади².

Бу давр маънавиятида аҳлоқий қоидалар гарчи когояларда ифодаланмаган бўлса-да, ургу умумий қараашларида муҳранганд оғзаки йўсида ифодаланувчи барча аҳлоқий талаблар сўзсиз ва бескаму-кўст бажарилиб бориши билан ётиборлидир.

Матриархат тузумининг патриархат тизими билан алмашинуви жамоатчилик фикридаги аҳлоқ мөхиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Истеъмол муносабатларида ишлаб чиқариш муносабатларига, тақсимотдаги адолат ва тенглик шарт - шаронларидан ишлаб чиқариш натижасида эришилган незъматларни ўзлаштиришдаги тенгиззлик холатларига ўтилиши матриархат хукмрониги даврига тамомиша чек кўйди. Аҳлоқий қараашлар манзараси ҳам тубдан ўзгариб, ста образи илоҳийлаштирила бошланди, отага сингиниш, отага хурмат, иззат икром чегаралари кенгайди. Кўпкотинилик, куллар ва чўрилар асрар, эрқакларнинг рўзгор ташвишларидан узоқлашуви, ургу таркибидан эркак бошчилигида алоҳида оиласларнинг ажрабиб чиқа бошлаци, эрининг оиласдаги хукмрон мавқеи ва бошқалар, шулар жумласидандир. Табиийки, патриархат аҳлоқ қоидаларининг жамият ҳәтида мустаҳкам ӯрнашуви учун яна минг йиллаб вакт курбон қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек ҳалқи ўз маънавияти мазмунида матриархат ва патриархат даврлари асоратларини энг яхши анъаналарини саклаб қола билган.

Шуни алоҳида кайд қилиш лозимки, ҳар қандай аҳлоқий қоида ва талаблар жамият томонидан ётироф этилиб, жамоатчилик фикрида мустаҳкамланган холдагина умрбокийлик касб этади. Шу боисдан ҳам аҳлоқ жамоатчилик фикрининг асоси ва унга бевосита боғлиқ ижтимоий онг кўринишидир.

Ҳар қандай сиёсий тизим биринчи галса аҳлоқ асосларини ўзгартиришга итилади. Хозирги кундаги ижтимоий муносабатлар мазмунига бозор

¹ Унга жойда, 93-бет.

² Жабборов И. Узбек ҳалқи этиографияси Т., 1964; Б.Ахмедов.Утмишдан сабоқлар.Т., 1994 ва т.к.

иқтисодиёти унсурларини тезкор кириб келиши ахлоқий қараашлар ва бу қараашларниң ифодаси бўйган жамоатчилик фикри мазмунида ҳам катта ўзгаришлар бўлишига олиб келиши шубҳасизdir.

Сўнги йилларда умумисоний қадрияллар ва умумпланетар ахлоқ нормаларини ишлаб чиқишга бўлган саъй ҳаракатлар бир мунта қупоч ёди. Жаҳон файласуфларининг XV анжуманида Америка олими Арчи Бом умумжаҳон ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш зарурити пишиб стилғанлиги, уни синовдан ўтган умумисоний муносабатлар, гуманистик тамойиллар асоцијатига таркиб тонтирини зарурлигини утириди. Бунинг учун эса планетамизиниг барча аъзолари учун умумий ятона ахлоқ қоидаларини тузиб берувчи қўмита ташкил этиш зарурлигини ўттага кўйди.

Халқаро ахлоқ қоидалари куч ёки курол воситасида ҳаётга жорий этилмайди. Умумисоний тамойиллар негизига киритилувчи бу ахлоқий қоидалар факат жамоатчилик фикри оркалигини бошқарилади ва назорат килиб борилади.

- 6.Соканова. Т "Экономическая социология" Минск 1998 й.
- 7.Удальцова "Социология управления" Новосибирск.1999 й.
- 8.Холбеков. А, Идиров У."Социология" Тошкент.1999 й.
- 9.Осипов. С "Основы социологии" Москва 1997.
- 10.Смелзер Н. "Социология" Москва 1994.

Шахс, жамият ва давлат социологияси.

Шахснинг пайдо бўлиши, унинг жамиятдаги ўрни ва мохияти доимо социология фаннинг мухим ва баҳс тараб соҳаларидан биро бўлиб келган. Инсоннинг мохиятини ўрганиш эрамиздан оддинги давларда Хитойда бошланган эди. Буюк файласуф Конфуций ва унинг издоғлари инсон шахсининг мазмуни,мохияти,шаклнини ва ривожланишига доир қимматли фикрлар билдирилганлар. Эрамиздан оддинги 298-238 йилларда яшаган олим Сенъ-Цзи шундай деб ёзган эди: "Тумга хусусиятлар бу-самоветий муносабатлар хосили, улардаги таълим ёки уларни одамининг ўзи яратилиши воситасида эришиб бўлмайди. Инсон ёвуз табиатта эта. Инсондаги эзгулик манфаатлар учун ортирилган фазилатдир. Хозирги инсон тутилишидан бошлаб фойда олишга интилаци. Бу шунга олиб кепадики, кишилар ўзаро ракобатлашадилар ва бир-бирларига ён бермайдилар. Шунинг учун ҳам тарбия ўйли билан инсон табиатини ўзgartирниш, яратилган коидалар асосида таълим бераб, узарни адолатлиликга ва маъсулъяглиликка ўргатиш лозим"¹.

Абу Наср Форобий "Арасту фалсафаси" асарида қадимги юон олимининг инсон ҳакидаги фикрларини куйидагича шарҳлайди: "Арасту инсонда ҳайвонларда бўлмаган бошча имкониятлар, рух ва руҳий кучлардан пайдо бўлолмайдиган сабаб ва асосларни топади. Инсон табиати ва унда мавжуд бўлган табиий кучларни тушунтириши борасида улар факат рух фаолиятига қараганда юксакрек фаолият учун мослашганлар деган фикрга келади..."² Бу ўриница Арасту,нега бундай бўлишини ўрганишга мажбур бўлди ва инсон нутқ эгаси эканлигини топди,нутқ эса акл билан боғликдир...

Инсоннинг мухим хусусиятларидан биро унинг ижтимоий мавжудот эканлигидир. Инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш максадларида ўзи каби инсонлар билан бирлашишга интилаци.

Инсондаги бу табиий хусусияти Абу Наср Форобий куйидагича ифодалайди: "Хар бир инсон ўз табиати билан шундай тўзилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтоҷ бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирига олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тутидали.Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликга эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг ахоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди"³

Шу билан бирга инсон фикрловчи мавжудотидир. У кўрган ва эшитганларини ёнда саклайди, ўз ҳаёлоти, таасаввурдаи кобилияти воситасида билимларни, маълумот ва аҳборларни таҳлил этади, умумлаштиради, трансформациялайди, болиқаларга ўзатади, билим ва тажрибаларини такомиллаштиради, ўз максадлари, орзулари ва истақларини тасаввурлай олади.

Хозирги давр социологиясида "инсон" деганда Ерда яшаётган мавжудот турларидан биро тушуннилади. Инсон алоҳида олинган нусхаси, унинг вакилилари ифодаловчи умумий тушунниадир. Инсон биоижтимоий мавжудот у бир вақтнинг ичидә ҳам табиатта, ҳам ижтимоий ҳаётга мансубидир.

Инцивид эса инсон зотининг алоҳида олинган нусхаси, унинг вакилиларидан биридир. Шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён , у маълум ва бетакор

¹ Антологія мировой философии. М. 1969.с.230-231.

² Абу Наср Форобий.Фозил одамлар шархи.Т.А.Кодирийномидаги ҳарак мероси науриётى,1993,102-бет.

³ Уша асар,186-бет

индивидликта эга бўлади. Индивиднинг жамиятга кириш жараёнилари унинг ижтимоийлашувини таъминлайди. Ижтимоий муносабатларга киришиц натижасида унинг жамиятдаги қадриятлар ва мельбрарни ўзлаштириб бериш учун замин яратади. Бу жиҳатдан у ижтимоий таъсир обьектидир. Шунингдек, индивид ижтимоийлашув оқибатида жамиятдаги турли муносабатларда фаолдашади ва бунда у ижтимоий муносабатлар обьекти сифатида ҳаракатланувчи шахсга айланади.

«Шахснинг маънавий-ахлоқий камолотидаги энг мухим хусусият унинг тафаккурица ва одоб-ахлоқида бир маромда юзага келувчи ва ривожланиб борувчи ўзғаришлардир. Шахс тарбияси унинг атрофидаги борлик тўғрисидаги муайян билимлар ва тушунчаларни эталлани билан узвий боғлиқдир»¹.

Замонавий жамиятининг пайдо бўлиши билан инсоннинг ижтимоий ва сиёсий муносабатлардаги ўрни юксалиб борди. Инсонларро муносабатлар юксалиб, сиёсий институтларни назорат этиши, инсон хуқуқ ва эркиниларини ҳимоя этиш, жамиятда тенглик ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлди. XX асрга келиб энг такомиллашган ва замонавий кишилилк бирликларини фуқаролик жамияти, деб атага бошлилани.

Кишилилк жамияти-бу иктисадий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларда кишилар орасида юзага кедадиган ва умуминсоний қадриятларга асосланган муносабатлар йигинди бўлиб, жамоа турмуш тарзининг тарихий шаклланган формасидир.² Фуқаролик жамияти тоғаси олий мақсад сифатида бир неча асрлардан бери яшаб келмоқда. Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда аҳолининг бирон-бир гурухи бўшқа бир гурухни ўзига бўйсундира олмайди. Шунингдек, эркаклар ва аёлларни бир-бири билан боғлаб турувчи кўплаб ижтимоий, фуқаровий, диний, иктисадий, маданий алоқа ва муносабатлар янада ривожланади. Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиди, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши мумкин. Фуқаролик жамияти шунингдек инсондаги улугбўрикни юксакликка кўтаради.

Хозирги замон ривожланган мамлакатларнда барто этилаган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасавурлардан келиб чиқашибган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

-аввало, жамият хаёти фаолиятининг иктисадий-ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равища шаклланган, бошланич подавлат тўзилмаларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирлиндир.

-иккинчидан, жамиятдаги иктисадий, ижтимоий, оидавий, милий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва подавлат муносабатлар мажмуасидир;

-учинчидан, эркин индивидлар ихтиёрий равища бирлашган ташқилотлар ва фуқароларнинг турли давлат органлари тазийклари ёки бир колига солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамият бўлиб, унда улар ўзининг намоён кила олишилари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда хозирги даврда фуқаролик жамиятининг асосий белгилари шаклланди. Булар асосан куйидагилар:

¹ Токиевко «Социология» М. «Прометей», 1999.314-бет.

² Уша китоб. 34-бет.

Иктиносий соҳада: нодавлат ташқилотлар, кооператив ширкатлар, ижара жамоалари, акциядорлик жамоалари, уюшмалар, корпорацияларнинг мавжудлиги.

Ижтимоий соҳада: оиди, партиялар, жамоат ташқилотлари ва ҳаракатлари, иш ва яшаш жойларидағи ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишининг замонавий шакллари: ижтимоий иктилофларни куч билан эмас, балки конуналар доирасида ҳал килиш амалиётининг мавжудлиги.

Маънавий соҳада: сўз, виждан ва фикрлар эркиништи: ўз фикрини бидира олишининг реал имкониятлари: ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақилигининг ҳам конуний, ҳам амалий жихатдан таъминланганилиги.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур кила олган ҳар бир кишига кўришиб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариши ва жамоат ташқилотлари ўзаро муносабатларининг маъмуаси ташкил қилас экан.

Фуқаролик жамияти инсонларда ўз-ўзини англаш, уларнинг обьектив ривожланишдаги маъсуллият хиссиси сезиш кобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланниб боради. Бу жамиятда шаклланган имкониятлар фуқароларнинг сиёсий, ахлоқий ва хукукий маданийтлари даражасининг юқорилиги билан ахралиб туради.¹

«Фуқаролик жамиятини куриш бир қанча вақолатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич толпиришини кўзда тутади».²

Қадимги даврдан бошлаб то ўрта асрларгача бўлган замонда давлат кенг талқин этилган, лекин у ўзи ташкил қиласидан ва ифодалайдиган жамиятдан алоҳида эмас эди.

Ниқолдо Макиавелли агадиётларга "Stato" деган маҳсус тёрминни киргизиб, у давлатни, ўнинг қандайдир аниқ шаклидан қатъий назар жамиятнинг алоҳида сиёсий ташқилоти сифатига талқин этди.

«Давлат» тушунчаси одатда маълум бир ҳудудга олий ҳокимиятга эга ташқилотни англатади. Давлатнинг моҳиятини янада чукурроқ ва ҳар томонлама англаш учун унинг муҳим белгиларини билиш лозим.

Давлат ўзининг тузилиши жиҳатидан З та бўлиниди:

1. Унитар давлат.
2. Федератив давлат.
3. Конфедератив давлат.

Унитар давлатда ягона конституция, ягона ҳудуд ва тартиблар амал қиласи ва ойлий давлат шаклинидир.

Федератив давлат бир қанча давлатларнинг ягона конституция ва қонувлар доирасида бирлашувидан ташкил топади.

Конфедератив давлат шакли тўла мустакил, суверен давлатларнинг иктиёрий бирлашуви ва бунда ҳалкаро шартномалар кўринишида амалга оширилувчи ҳокимият амал қиласи.

Давлат бошқарув шаклига кўра 2 хил бўлади:

1. Монархия.
2. Республика.

¹ Киргизбоев М. Фуқаролик жамияти. «Ёшлик» журнали, 1996, б-сон, 3-4 беллар.

² И.А. Каримов «Узбекистон XXI асрга интиљомда» Т. «Узбекистон» 1999.26-бет.

Монархия якка шахснинг хокимияти бўлиб, асосан наслдан-наслга ўтуниш характерига эга бўлади. Монархия 2 турга бўлинади: 1. Мутлоқ монархия 2. Конституцион монархия. Мутлоқ монархияда монарх чекланмаган хокимияти эга бўлади. Конституцион монархияда эса монархнинг хокимияти парламентин томонидан чекланган бўлади.

Республика ҳалқ хокимиятига асосланган давлат шакли бўлиб, президентлик ва парламентар республикага бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси президентлик республикаси бўлиб, Президент давлат бошлани, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Куролли Кўчгарнинг Олий Бош кўмандони, хисобланади. Мамлакатимиз мустакилликга эришгач Президентимиз раҳнамолигида ҳукукий давлат куриши учун астойдид сабий-харакатлар бошланди.

Ҳукукий давлат-конституцион давлатчиликнинг реал амалга ошишиди. Унинг асосида инсонни давлат терори, унинг эътиқоди устидан куч ишлатини, хокимият органлари томонидан якка хокимлик қилишдан химоя қилинган инглиши ётади. Ҳукукий давлат-суверен ҳалқ иродасига бўйсунувчи, инсоннинг эркинлиги ва бошقا ҳукукларни химоя қиливчи, ўз фаолиятини қонунлар дарорасида амалга оширувчи давлатидир. Бундай давлатда шахс билан хокимият ўргасидаги муносабатлар конституцияда белгилаб кўйилади.

Давлат билан фуқаролар ўргасидаги мўносабатларда устиворлик инсон ҳукукларига каратилади, қонунлар давлат ва унинг ҳалти-харакати билан бузилмайди. Ҳукукий давлатнинг белгилари сифатида куйидагиларни қедтириш мумкин:

- ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;
- барча фуқароларнинг ҳукукий теглиги;
- ҳукукининг умумийлиги, унинг барча фуқаролар, ташкилотлар, мусалалар, жумладан, давлат хокимиятига ҳам тенг таалукли бўлиши;
- ҳалқ ва давлат суверенитетининг конституцион ҳукукий жиҳатлардан мувофиқлашганини;
- конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятларининг бўлинини, улар фаолиятининг ҳамкорлиқдаги бирориги;
- инцизиц эркинлигини чеклаш факат барча кишилар эркинлиги ва ҳукукларини химоя қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳукукий давлат шахснинг мутлоқ эркинлигини билирмайди. Ҳар бир шахснинг эркинлиги бощка кишининг эркинлигига зид кела бошласа, худди шу сурʼа унинг эркинлиги тугайди.¹

Ўзбекистон Республикасида миллий истикодол шарофати билан бозор муносабатларига ўтиш, ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш учун кулай шарт-шароитлар яратишга каратилган ислоҳотлар тобора чукурлашиб бормоқда. Давлат ва ҳукуматимиз миллий мустакилликнинг дастлабки давридан бошлади кучли иҷтимоний сиёсат юритиб келмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг цировард максади ҳам ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти курилди. Ҳозирги давра бушай давлат ва жамият барю этишининг конституцион ва қонуний асослари яратилди. Демократик тирадаги миллий давлатчилик шаклланди. Фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида кўп партияйийлик ва ўз-ўзини бощкарни органлари - жамоат бирлашмалари тизими шаклланди.

¹ Карап: Основы политической науки. М. МГУ им. Ломоносова, 1996. с. 217-220

Ижтимоий бошқарув социологияси. Ижтимоий муносабатларнинг унумли мурни көсечишини ҳар хил мезонилар ёрдамида ўрганидиган фан соҳаси ижтимоий шинкунчув деб номлашади. Бу фанга умумсоциология фанининг алоҳида соҳаси шифтигурада XX асрнинг бошларида Тейзор, Вебер, Файола каби олимлар асос ташкил р. XX аср ўрталаридан бошлаб бошқарув муаммоларининг ечилишида ишғамили ёндашув, кўйланила бошлади.

Хозирги даврда корхона ва ташкилотларни унумли бошқарии давр сабабидаен келиб чиқиб, самарали бошқарув механизмларини яратиш ва жорий тиншин тақозо этади.

Зеро, кучайиб бораётган интеграцион жараёнлар ва ахборотлар тизимининг чиқарибо даражага сиёб бориши, ракобатнинг кучайиши ва бошқалар ижтимоий шинкунчувга бўлган муносабатни фойдали томонига кескин ўзгартириди ва бошқарув тизимидаги ижтимоий ўзгаришларга бўлган мослашувини тезлаштиради.

Ижтимоий бошқарувнинг такомиллашув истиқболлари Ўзбекистонда барча ишхонахонларни янада тезроқ ва самаралироқ амалга ошириши, демократик жараёнларни чукурлаштириш, ўз-ўзини бошқарии тизилмаларини тикомилга таштириши ва охир оқибатда ахолининг турмуш даражасини ошириш имконини яратади.

Ижтимоий жараёнларни башорат килиш ва бошқариш қўйндаги асосий нағифаларни кўзлайди:

- истикболни баҳолаш, жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим қўйратки чиғарини аниқлаш ва унга оқилона етишининг самарали воситаларини белгилаш;

- меъёрларни аниқлаш, истиқболдаги асосий ижтимоий таъаб ва уни консириш имкониятларини белгилаш;

- таҳдидларни тахминлаш, жамият ижтимоий тараққиётiga акс таъсир этиш мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил этиши.

Ижтимоий башорат қўйидаги турларга бўлинади:

1. Истиқболдаги холатларни башорат қилиш - жамиятнинг ижтимоий тараққиёт ҳакида олимларнинг ўтган замон, хозирги замон ва истиқбол аянланаларини башорат этишидир.

2. Меъёрлар башорати - истиқболдаги кутилаётган ижтимоий ҳаётга мос меъёрларни топиш, яни шу холатга олиб келувчи шарт-шароитларни аниқлаш.

3. Таҳдидлар башорати - ижтимоий тараққиёт жараённинг издан чиқиши холатининг таҳлилига асосланган башорат.

Ижтимоий бошқариши амалга оширища ижтимоий ахборот муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий ахборот З туругча бўлинади:

1. Ижтимоий турулар тизилмаси ва ҳолати ҳақидаги ахборотлар.

2. Одамларнинг меҳнат ва турмуш қўрсаткичили ахборотлар ижтимоий ҳодиса ва жараённинг таърифий ҳусусиятлари ва таркибий тузилишининг кўринишлари ҳақидаги маълумотлардир. Микдор қўрсаткичили ахборотлар ижтимоий ҳодиса, жараёнларнинг микдор ўлчов шаклида аниқланган катталиклардан иборатидир.

Бу ахборотлар ЭҲМ га асосланган ҳолда математик моделлаштиришини ва у орқали ижтимоий башорат килишини, таҳлил қилиши ва баҳоласини амалга ошириш имконини беради. «Ижтимоий бошқарув тизимиға ўтиш жамиятимизнинг» пировард мақсадларидан бўлиб, жамият ҳаётининг барча жабхаларида қонун устиворлиги демократик йўл билан қабул қўлонгандан

Конституция ва конууларни хеч истиносиз ҳамма хурмат қилиш ва утарга оғишмай риоғ этиши¹ни доимий равишда тақозо этади.

Иктисол социологияси.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, иктисолий ҳаёт социологиянинг тадқиқот обьектига ўйланди. Ҳудди шу даврда ишлаб чиқаришда инсон омили англаб етиши ва ба бу борада тафаккур шаклланиб борди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки давридаёқ Президентимиз И.А. Каримов томонидан бозор иктисолиётига ўтишнинг 5 та тамойили ишлаб чиқдиши. Булар қўйилагинар:

1. Иктисолининг сиёсатдан устувор бўлиши.
2. Давлатининг бош ислохотчи эканлиги.
3. Конунчар устуворликини таъминлаши.
4. Кучли ижтимоий сиёсат олиб бориши.
5. Бозор иктисолиётига боскичма - боскич ўтиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: "бизнинг бозор муносабатларига ўтиши методимиз республиканинг ўзига хос шаронитлари ва хусусиятларини, аиъналар, урф - одатлар, турмуш тарзини ҳар тобоянлама хисобга олишга, ўтмишдаги иктисолиётни бир ёклама, бесёнуқай ривожлантиришнинг мудҳиб меросига барҳам берилга асосланади".

Иктисолий назариялар ва карашлар ҳамда тасаввурларга иктисолий муносабатлар ҳамиши ҳам айнан мувоғик бўлавермайди.

Иктисолий караш ва конуулар балзан ишлаб чиқарни муносабатларига шубҳа билан қарайди.

Асримизнинг 60-йилларида ривожланган гарб мамлакатларида иктисолий социология фанининг ижтимоийлашуви тенденсияси кучайиб, унинг имкониятлари ҳам ортиб борди. Иктисолий социологияни бугунги кунда глобал ва хусусий масалаларни ҳал қўюнчи фан сифатига тасаввур қўниш мумкин.

Америкалик социолог Смелзер ўзининг "Иктисолий ҳаёт социологияси" мақоласида иктисолий социология "йўргак" даги ҳолатида қандай уйғонланлиги ва иктисолий турмушнинг борган сари янги томонларини қамраб олишилиги жуда таъсирли килиб тасвирланган.

Иктисолий ҳаётни ижтимоий талкин этишига биринчи бор Тейлор эътибор берди. У ишчиларнинг меҳнатга бўлган эътиборини ўрганиди ва 1884 йили меҳнатта ҳак тўлани тизимига асосланган назарияни ишлаб чиқарни жараёнига тадбиқ этди.

Бу боянинг асоси қўйилдаги:

- Энг қисқа вақт ичиди ишчи қанча кўп ҳажмда иш бажарса, унга шунча ҳак тўлаш;
- Ишининг ҳажмини эмас, балки самарадорлигини ва яхшилигини рафбатлантириш;
- Ишловчидаги кам иш ҳаки бериш ва кўн бериш баравар зарарлидир;

Ишловчидаги юқсак ҳақ олувчи бўлишга инглиш ҳиссиси уйғотиш, юқсакликга интилиб яшаш.

Тейлор концепсияси Америка саноатига Форд томонидан ишлаб чиқарига тадбиқ этилди, конвойер ишлаб чиқарни шаронитида меҳнатнинг самарадорлиги рафбатлантирилди.

¹ Мислий истиқома яхси : асосий тунунчча ва тамойилилар. 37-бет.

Маълумки дунёда аҳолининг урбанизация жараёни тез ривожланмоқда. Буларнинг ҳаммаси таълим тизимини янтича йўлига қўйинини тақозо этади. Оммавий ишлаб чиқариш, стапидарт равишда истеъмол қилиш ва оммавий маданиятининг вужудга келиш имкониятини яратади.

Ишлаб чиқаришнинг юксак ривожланиши, юксалиши замонавий микроэлектроника ва компьютер технологиясига асосланади.

Шунинг учун мамлакатимизда жорий этилган таълимнинг янги модели - қадрлар тайёрлаш мислий дастурни жамиятимизда туб ўзгаришларни вужудга келтириш асосидир. Президентимиз таъкидлаганидек «Биз одимизга қандай визифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир оқибат барибир қадрларга ва яна қадрларга тақалаверади. Мубалакасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай қадрлар тайёрлашимизга боғлик»¹.

Хозирги давр иқтисодиётини ижтимоийлаштирилган дейиш мумкин. Чунки, бу ерда инсоннинг ўзи, унинг интеллектуал салоҳиятидан имкони борича улумли фойдаланишига, барча меҳнаткашларниң ижодий қувватиарини тўла ишга солишига ҳамда шахс, жамият ва давлат ўргасидаги манфаатдорлик ва муносабатларнинг мутонасиблигини таъминлашга боғликлар.

Мехнат социологияси.

Жамият тараккиётидаги барча ўзгаришлар инсон омилиниң фаоллашувига, инсонларнинг меҳнат ва интеллектуал салоҳиятидан имкони борича улумли фойдаланишига, барча меҳнаткашларниң ижодий қувватиарини тўла ишга солишига ҳамда шахс, жамият ва давлат ўргасидаги манфаатдорлик ва муносабатларнинг мутонасиблигини таъминлашга боғликлар.

Мехнат социологияси меҳнат соҳасидаги ижтимоий меҳнат муносабатлари, иқтисодий ижтимоий муносабатларни ўрганади ва уларни бошқа омиллар билан бирга бошқаришни таъминлаяди.

Мехнат социологиясининг яратилиши аланда узок тарихга ва катта манбаларга эга бўлса ҳам, ҳали у фан сифатида тўла шаклланмаган. Мехнат социологияси бўйича олиб борилган назарий ва амалий социологик тадқиқотлар жуда катта изланнишлар лозимлигини кўрсатмоқда.

Мехнат социологияси меҳнат соҳаси бўйича барча ижтимоий аҳборотларни тўплашга, ишлаб чиқариш заҳираларидан тўла фойдаланишга, ҳамда меҳнатни бошқаришнинг оптималь стратегияси ва техникасини белгилашга хизмат килади.

Бизнинг ён, мустакил ва келажаги блук давлатимизни тараккijий этиришида меҳнат социологиясининг ҳалқ ҳўжалигидаги жараёни катта аҳамият касб этиш билан бирга, мамлакатда ҳукукий, демократик тузумни ривожлантиришга, ижтимоий адолат ўрнатишга, меҳнат ўнумдорлигининг ошиб боришига ёрдам беради. Мехнат социологияси, бозор муносабатлари шароитида меҳнат муаммоларини тўла-тўқис ечиб бериш ва унинг истикబолларини белгилашни назарий ва амалий жиҳатдан ўз олдиға мақсад қилиб қўймокда. Бугунги кунда меҳнатни бошқаришнинг барча омилларини ҳисобга олувчи аҳборотлар базасини яратиш ва унинг социологик мониторициини яратиш мақсадига мувофиқдир.

Ижтимоий иқтисодий нуқтai назардан меҳнат инсонларнинг табиятга тўғридан-тўғри таъсири жараёнидан иборат бўлиб, унинг натижасида истеъмол

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI верға иттиҳодомда» Т. «Ўзбекистон» 2000йил.249-бет.

баҳоси, молдий ва маънавий бойлик пайдо бўлади. Мехнат, асосан инсон фаолиятининг шакли, турмушнинг муҳим шарти сифатида кўриб чиқилади.

Мехнат табиатан жамиятни табнатдан, инсонни хайвонот оламидан ажратиб чиқишига сабаб бўди ва имкон туғидирди.

Мехнат жараёни ўз ичига уч жараёни олади:

- инсоннинг фойдали фаолияти ёки меҳнатнинг ўзи;
- меҳнат мавзуси ёки бу фаолиятнинг йимага йўналтирилганлиги;
- ишлаб чиқариш куроллари, бўлар билан инсон ушбу мавзуга таъсир кўрсатади.

Социологияда "мехнат шароитлари" категорияси муҳим аҳамиятга эга. У меҳнат шароитининг инсон учун нормал ёки зарарли бўлиши мумкинлиги мезонидан келиб чиқади.

Нормал меҳнат шароитлари инсон саломатлигига зарар келтирмайди. Зарарли меҳнат шароитлари (шахтадар, домна ва марген исчларида ишлаш) инсон саломатлигига учун хафлидир ва кўпичча инсон ҳётига таҳдид солади. Буниан ташкири, меҳнат шароитлари социологлар томонидан экстремал, нисбатан нормал ва кулай шароитларга бўлинади. Кўп холларда улар меҳнат мазмани ва унинг ташкил қилинчилига боғлиқдир. Меҳнатни ташқал қилиш деганда, одатда, иш ташкил қилиш тартиби, усуслари, шакли тушунилади, яъни "инсон-жизозлар, машиналар, асбоблар" тизимида мувофиқликнинг бўлиши, ишга ижобий самара бериси назарда тутилади.

Ишлаб чиқаришни болқарицда, бизнесда, хукукий идораларда меҳнатни рағбатлантириш ва асослаш катта аҳамият касб этади. Рағбатлантириш - меҳнатнинг самарасига кўра ишчи ходимларни мөддий ва маънавий рағбатлантириш тизимиdir.

Мехнат фаолияти якка тартибда ва гурухли бўлиши мумкин. Мехнат жамоаси - бу шахс учун аҳамиятли ва ижтимоий цуктаи назардан қимматли бўлган, аниқ максадларга йўналтирилган одамларнинг ижтимоий-сиёсий ва иктисолий фаолияти амалга ошадиган уюшмасидир. Мехнат жамоаси - бу ўзаро ҳамфир бўлган, гояйи муштарақлик устун бўлган одамларнинг мағфатли бирлашувидир.

Мехнат ташқилотлари иккى асосий гурухга бўлинади:

1. ишлаб чиқариш тармоқлари жамоалари: саноат, курилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, ишлаб чиқаришга хизмат қилиш, транспорт, молдий техника таъминоти ва бошқалар.

2. Ноңилаб чиқариш тармоқлари жамоалари: соғиликни сақлаш, ижтимоий таъминот, ҳалқ таълими, саънат, илм - фан, давлат маъмурӣ органлари аппарати, бошқарув органлари, жамоат ташқилотлари ва бошқалар.

Мамлакатимизда меҳнат ташқилотлари ҳаётида талайгина ўзгаришлар содир бўлмоқда, яъни хусусий мулкчиликка ўтиш жараёни жадал суръатлар билан кетмоқда.

Хозирда ишлаб чиқариш, илмий текшириш, мухандислик ташқилотлари, олий ўкув юртлари, илмий-техникавий, ижодий иттифоқлар ва бошқа субъектлар шартинома асосида тузилган жамоалар ташкил қилинмоқда.

Халкаро интеграциянинг иктисолий, илмий, молиявий каби янги шакллари пайдо бўлмоқда. Улар халқаро капиталларнинг кўшилиши негизида ташкил қилинган. Сўнгти йилларда майдада сайдо корхоналари, якка тартибдаги

тадбиркорлик ва майда гурухли меҳнат корхоналари кенгаймокда, улар фаолиятиниң ҳукукий асослари мустахкамланмоқда.

Шахстининг шаклланиш жарабёница жамоанинг ва унда ташкил этилган меҳнатнинг аҳамияти катта. Меҳнат шахснинг барча мухим сифатларига таъсир кўрсатади. У инсон психологоик жарабёнарини йўнагтирувчи ва мувофиқлаптирувчи механизм сифатида рол ўйнайди.

Олимларнинг таъкидлашача, якин йилларда мамлакат иқтисодида сезишлири ўзгаришилар рўй беради. Фойда келтирмайдиган корхоналарнинг ёилиши, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришда автоматлаштирилган технологияларнинг жорий этилиши малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширади.

Ишлаб чиқариш жарабёнида меҳнат жамоаларида ва ташкилотларида кўпинча ихтиофлар, низолар ҳам рўй беради. Уларнинг сабаби жуда хилма-хилдир. Низо вужудга келадиган зиддииятларни бартараф қилишнинг самарасиз йўлидир, чунки низо пайтида одамда ҳиссиётлар устун келгани сабабли, фикрлаш сусайди, ўз хуякни назорат қилиш кобилияти пасаяди.

Мамлакатда меҳнат жамоалари бозор муносабатларининг таркиб топиши асосида кўп ҳолларда ўз ходимларининг ахлоқий сифатлари ва дунёқарашларини ўрганишлари зарур бўлиб бормокда. Бунда раҳбарнинг ўз кўли остидаги ходимлари билан муносабатлари ҳар кимнинг қобилиятига кўра хизмат вазифаларига кўйилиши, мутахасисларнинг малакаларини муттасил ошириб бориш, жамоада нормал инсоний муносабатлар иклимининг бузилишига эътибор бериш катта ахлоқий ва маънавий аҳамиятга эга бўлади.

Чунки нормал бозор муносабатларининг шаклланиши нормал ахлоқий психологик мухитни, соглом ракобатни, шахсий манфатнинг жамоат манфаати билан уйгуналашувини талаб қиласди.

7-Мавзу бўйича тайнч атамалар.

1. Никон Грида янаётган мавжудот турларидан бири.
2. Мизинча инсон зотининг алоҳида олингани нусхаси, унинг вакилларидан бири.
3. Шахо умия хос, интеллектуал, иродавий, руҳий, шахсий сифат ва белгиларга яхши ташвиш.
4. Кининик жамият-бу иктиносидӣ, ижтимоий, сиёсий ва маданиявий соҳаларда кининкар орасида юзага келадиган ва умумисоний қадрингичларга асосланган муносабатлар йигинидиси бўлиб, жамоа турмуш тарзининг шаклланган формаси.
5. Ижтимоий бошқарув-ижтимоий муносабатларнинг унумли тарзда кечишини ҳар хил мезонлар ёрдамида ўрганувчи фан соҳаси.
6. Мезёрлар башорати-истикъблоллари кутилаётган ижтимоий ҳаётга мос мезёрларни топиш, янын шу ҳолатга олиб келувчи шарт шароитларни аниклаши.
7. Тахдидлар башорати - ижтимоий тараққиёт жарабининг издан чиқиши ҳолатининг таҳлилига асосланган башорат.
8. Мехнат жамоаси-одамларнинг ижтимоий-сиёсий ва иктиносидӣ фаoliyati амалга ошадиган улоҳмаси.
9. Низо-вужудга келувчи зиддияtlарни бартаграф этишининг самарасиз йўли.

7-Мавзу бўйича умумий саволлар.

1. Инсоннинг биоижтимоий мавжудот эканлиги.
2. Шахснинг шаклланинишига талъсир килувчи оминалар.
3. Фуқаролик жамиятни тушунчаси.
4. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари.
5. Хукукий давлатнинг белгилари.
6. Ижтимоий баҳорат турлари.
7. Иктиносид социологиясининг вазифалари.
8. Мехнат тушунчаси ва моҳияти.

8-МАВЗУ. МАҲАЛЛА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВ ВА ИЖТИМОЙ ФИКР СОЦИОЛОГИЯСИ.

Режа:

1. Маҳалла ва маҳаллий бошқарув социологияси.
2. Маҳалла ўз-ўзини бошқарув тизимиининг муҳим ижтимоий органи. Маҳалла демократияси .
3. Жамоатчилик фикри тушунчаси. Жамоатчилик фикрининг назарий асослари.
4. Жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши.

Адабиётлар

1. И.А. Каримов "Баркамол авлод орзуси" Т 1999 й.
2. И.А.Каримов "Озод ва обод Ватан, эркин ва фароной ҳаёт пировард максадимиз" Т 2000й.
3. И.А.Каримов "Миллий истиқлол мағфӯраси" Т 2000й.
4. И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқла" Т 1999й.
5. И.А.Каримов" Бунёдкорлик йўлидан " Т1996й.
6. И.А.Каримов "Янгича фикрларни ва ишлаш давр талаби" Т1997й.
7. Рыбаковский " Миграция населения" М 1989й.
8. Холбеков. А, Ициров. У "Социология" Т1999й.
9. Бекмурадов "Мовароуниахрда жамоатчилик фикри тарихи" Т1994й.
10. Қодиров. К "Маҳалла- ўзини-ўзи бошқарини органи" Т1995й.
11. Жалилов. Ш " Давлат ҳоқимияти маҳаллий органлари ислоҳоти тажриба ва муаммолар" Т1994й

Маҳалла ва маҳаллий бошқарув социологияси.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий иктисадий ривожланиши жараёнлари бошқарув тизимиning мунтазам шакллантириш ва таоминлаштириб боришини ўзининг илмий қадриятларига ва давлатчиликти тарихида шаклланган аъданалирига ташниб иш кўришни тақозо этмоқда. Зеро ўтиш давридаги вазиятни тўғри баҳолаган мамлакатимиз раҳбарияти замон руҳига мослашувчи илбор мамлакатларининг ютуқлари билан тарихий меросимизни уйгунлаштириш асосида миллӣ бошқарув тизимларин пойдеворини мустаҳкамлаб бормокда. Бу ўринда ўзини-ўзи бошқарув тизимиning миллӣ ифодаси ва Ўзбекистондаги ижтимоий хаёт тарзининг маҳаллий кўринишидаги шакли бўлган маҳалланинг ўрнини таъкидлаш жоиздир. Бозор иктисадиётига ва умумийсоний тамоилилларига асосланган хукуқий демократик жамият куриш жараёнида, маҳалла жамиятининг асосий таянчи бўлиб колиши табииидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Маҷlisининг биринчи чакирик 14-сессиясидаги маврузасида Президентимиз И.А.Каримов: "Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган ғазифалар доирасини кепгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва химоя қилишда нодавлат жамоат тузилмаларининг хукуқ ва мавқеларини ошириш даркор "Кучни давлатдан кучли фуқаролик жамияти сарп" деган сиёсий қуришиш дастурининг моҳияти ана шундак яққол намоён бўлади. Айнан шундан ёндацув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаётни ва бугуя жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишида кенг иштирок этиш учун имконият яратади"-деб алоҳида кўрсатиб ўтди.¹

Шу боисдан, Ўзбекистонда жамият куришиши тизимиining мустаҳкам пойдеворини яратишида маҳалланинг ўри катта эканлигини ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг бошқарув тузилмасининг бугунги кун талаблари руҳида ўрганиб унинг назарий ҳамда амалий аҳамиятларини социологик жиҳатдан ёритиш муҳим илмий аҳамиятга эгаидir.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари таркибини фуқаролар йигинлари хусусан маҳаллалар ташкил этади. Жамиятда ўзини-ўзи бошқарув тизимини муҳим органи бўлган маҳалла будулуид, қасбий, турли онд ва бошқа шу каби турли хил ижтимоий гурухлардан ташкил топган ижтимоий тизимдир. Умана шу ижтимоий гурухларининг қизиқиши ва иродасини ўзида мужассамлаштириб, уларни ижтимоий ҳаётга жорий қилувчи умумий ҳамда алоҳида ҳолатларни намоён қиласди. Бугунги кундаги ўзини-ўзи бошқарув тизимиining тараққий этиб бориши

-- демократик жамият тараққиётининг асосий йўналишларидан биридир. Чунки ўзини-ўзи бошқарув тизими ижтимоий тизим сифатида кишиларнинг турли хил фаoliyatlарини улардаги ташабbusкорликни ва тақлифларни инобатта олган ҳолда қонун доирасида уларнинг тезда амалга оширишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101- моддасида шундай дейилдаци, " МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, ҳалк депутатлари қўйи кенгашларига раҳбарлик қилацилар.

¹ И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга иттиҳомоқда» Т.Ўзбекистон. 1999.28-29 бетшар.

Республика ва маҳаллий аҳамиятта молик масалаларини муҳокама қилинди катнашадилар".

Махалла ўзини-ўзи бошқарув тизимишинг муҳим ижтимоий органи. Маҳалла демократиги.

Республикамиз мустақиликка эришгач жамият ичида кичик жамият иомини олган маҳалла тизимини равнай тоғтириш ўзига хос миллий бошқарув шаклини ишлаб чиқариш, Ўзбекистон ҳалқининг ижтимоий муаммоларини ўрганиб унга амалий ёрдам берувчи жамиятининг ижтимоий бир бўлаги ҳисобланмиши ўшбу тизимишинг маҳсус хайрия жамғармасининг тузиш тўғрисида фармони қабул килди. Маҳалланинг маънавий ҳолати тўғрисища фикр юритилар экан, албатта унинг бошқарув тизимида муҳим аҳамият қасб этган субъект тушунчасига эътибор қартишилик ишмий мазмун касб этади. Маҳалла субъектининг ўзига хос хусусиятни ўндаги бошқарув функцияси бажаради. Чунки айнан ду функция орқали маҳалланинг самаралини фаолияти намоёни бўлади.

Хар бир маҳалла ўзига хос географик жойлашувига, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлганинидан келиб чиқиб бу муҳим маконида истикомат қисаётган аҳолининг турли миллатта ёки бир миллатга мансублигига асосланниб ҳар бир маҳалланинг ўз ижтимоий иқтисодий ривожланиш дастур яратиш мақсадга мувофиқ. Маҳалла бутун фуқароларнинг мустақил фаолиятини, уларнинг жамиятини турли доиралардаги ижтимоий муносабатларини давлат ва жамият бошқарув структурасини ташкил этишидаги ҳамда ижтимоий жамоатларининг хаёт фаолиятини таъминловчи ва шу билан биргаликда ўз аъзоларини ижтимоий хаёт олдига кўйган саволларга жавоб бернишдаги иштирокини белгилайди. Ўзбекистон ҳудудиша маҳаллаларни куйидаги тўртта асосий гурухга ажратиш мумкин:

- 1.Шаҳарлардаги анъанавий маҳаллалар.
- 2.Шаҳарлардаги квартал маҳаллалар.
- 3.Шаҳарчалардаги маҳаллалар.
- 4.Кишлоқ маҳаллалар.

Маҳалланинг бутуниги кундаги ижтимоий ҳолатига эътибор қаратиладиган бўлса унда куйилаштириларни кўзаташ мумкин: а) оила муҳофазаси, б) ободонлаштириш, кўсаламзорлаштириш ва тозалик, в) ижтимоий химояда фаол иштирок этиш, г) маънавият ва ижтимоий хукуки шаклиништириш; д) сиёсий фаолликни ошириш ва ҳоказо.

Одамларнинг ҳатти ҳаракати воқеликка ва ҳар қандай янгилликка нисбатан муносабати энг аввало юқсан аклоқ-одоб, шарқона вазминлик, ота – боболаримизга хос мулоҳазамонлик, кийин ва мурраккаб вазиятларда шахсий манифестдаги умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини устун кўйиш, жамоа учун яшаш каби инсоний фазилатларга қартилган.

Бу ва шунга ўхшаган миллий кадриятилар жамиятдаги оқилона сиёсат тутфайли умуминсоний кадриятилар даражасига кўтарилимокда.

Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришт органлари тўғрисидаги япги таҳрирдаги конуннинг б-моддасида айтилганидек "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари демократик, ошкоралик ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни счишда мустақилик, жамоатчилик

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. «Ўзбекистон» 2001 йил. ЗО-бет.

асосида ўзаро ёрдам¹ деб белгиланган. Ўзбекистонда амалга оширизатган маҳалла демократияси, унинг ҳалқ ҳайтига яқинлиги, ахоли турмуш-тарзи ва қундаклик ҳаётин билан уйғулиги сабабли қундаклик ҳаёт тарзимизда қайтадан карор ғопаётган бошқарув тизими сифатида ўз ифодасини топмокда.

Ўзбекистон Республикаси асосий куч кудрати манбаи – бу ҳалқимизнинг умуминсоний қадриятларига содик қолганлигидир. Ўзбекистондаги ана шундай умуминсоний қадриятлар сарчашмасидан бири маҳалла эканлиги тўғрисида юқорида таъкидлаган эдик. Унинг нуфузини ошириш ижтимоий, сиёсий, тарбиявий улкан маънавий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз И.А.Каримов "Туркистон" газетаси мухбирининг берган саводларига" Маҳалла, таъбир жоиз бўлса кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир дейиш мумкин. Бу тажриба аҳолипинг жамоа бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг боциқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсоний жамият билан бирга яшашга ўрганидаган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва бекиёс макон-бу маҳалладир"² – деб жавоб қайташини ушбу тизимни оммабон жамоага айлантириш айни муддао эканлиги тўғрисицаги гоя леб ифодаласа бўлади.

Жамоатчилик фикри тушунчаси. Жамоатчилик фикрининг назарий асослари.

Жамоатчилик фикри тушунчаси маъно мазмун нуқтai назаридан «Жамоат», «Жамоатчилик », «Фикр» сўзларининг мантикий максадни уйгуналувчи маҳсулидир. Жамоатчилик фикрининг терапи ва тўғри англамок учун юқорида таркиб ясовчи сўз терминларни аввал бошдан англаб олмоқ мухимdir. Ҳозир ва ўтмишда, Ватанимиз ва хорижда таъқиотчилар бу терминлар мазмунига турлича таъриф бериб уларга максаддан келиб чикадиган маъно юклатиб келишган. Хусусан аксарият таъқиодларда жамоатчилик фикрининг таркибий қисми бўлган "Фикр" тушунчаси тасаввур , мұхокама , фикр биљдириш , эътиroz , ишонч , эътиод , нафз , қарашлар , мұлоҳазалар , фикр яқдилити ва ҳоказо терминларга синоним тушунча сифатида ҳам талкин этилади.

"Жамоатчилик " тушунчаси энг қадимги даврларда хусусан кўхна Эллаца ва Рим давлатлари сиёсатида мухим ўрин тутиган бўлиб унга ҳалқ фикри нуқтai назаридан қараб келинган. Гарчи қадимиги Эллаца мамлакатларида жамоатчилик фикрига мухим аҳамият бериб келинган бўлсада бу масалада кўпроқ дефференциал ёндашув устунлик килган. Хусусан ҳалқ фикри зодагонлар, аскарбошилар, шаҳарликлар, озод афиналиклар фикри периферия, полислар ёхуд плейбейлар ва куллар фикридан кескин фарқ килган. Шу боисдан "Жамоатчилик "термини қадимгі юнон ва рим давлатларида "Эл ҳалқ максад тилаклари" Польша ва Чехословакияда "Турх" "Россияда "Йигин фикр ёди " маънолари билан уйқаш тушунниб келинган ..

Мовароуннахрнинг кўп минг йиллик тарихида жамоатчилик термини муқаддас тушунчалардан саналиб шахс ва жамоа муносабатларида бирламчи ўрин тутиб келиган. У шахснинг таваллудидан бошлаб бутун ҳаёти давомида муйян маёқ вазифасини ўтаб тартиб қондаклар, тузуклар, қонуллар, урф-одатлар ва анъаналар тарзидан амал килиб кишиларнинг ҳатти-харакатлари, ўй фикрлари, орзулари ва режаларини муйян максадлар сари йўналтириб тўрган. Шу боисдан

¹ Фуқароарининг унинг-узи боникарии органлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Конуни. «Постда» газетаси. 1999йиң 22нивар.

² И.А.Каримов Ўз көзажанмаганин уз кунунинг бициш курносидан. «Туркистон» газетаси 1999йиң 2феврал

жамоатчилик фикри тушунчасини ҳалқ ёндашуви ёхуд нұктай низарі тарзида түшүніш мақсадға мувофиқдір. Зеро фикр нұктай назар маңында түшүнілганды ўз. лугавий мазмуні замиріга мұлохаза, баҳолаш қараңдар сингарі таркибий ҳамда тизимий түшүнчаларни ҳам камраб олади. Жамоатчилик фикри түшүнчесінің маңын доираси жуда кең , уннің таркибига мазкур ижтимой ҳодисасынан шақылданың жараёнлари фаолият күрсатыл шарт шароитлари, умумиесендей вазифаларни ҳал этиштегі ўрни ва тәсіри масалалары ҳам киради. Жамоатчилик фикри термини Гарбий Европада илк марта Англия хуқук назариясы фаннда құлланылған бўлдиб сўнгра у Германия ва Франция каби мамлакатлар ижтимой сиёсий ҳаётіда кеңг фойдаланила бошлади. XVII-XVIII асрларда Англия ижтимой ҳаётіда мазкур муаммо бир мунҷа тор түшүнниб асосан сиёсий фикрлар жамоатчилик фикри сифатида талқин этилиб мамлекет парламентида қабул қылғанған карорларга нисбатан ҳалқнинг қарши ёки тарафдор кайфияти жамоатчилик фикри сифатида талқин этиб келинди. Жамоатчилик фикрининг оммалашуви жамиятта уннің расмийлашувы таңқилий шақылданың жараёнларини ҳам тезлаشتыриб юборди. Ижтимой ҳаёт таркибида турли хил сиёсий оқимлар, партиялар, ушомыз ва жамиятлар фаол амалы-назарий сый-харакатларини бошлиб юбордилар. Гарбий Европада жамоатчилик фикри XIX аср охирига қадар хукукшуслық фаннининг предмети сифатида ўрганиб келинган. XX аср бошларынан этибордан эса жамоатчилик фикри билан ижтимой психология фаннининг йирик намёндайлари жиций қызметка бошлидилар. Қиска вақт ичіда Лебон, Баур, Кули, Липман, ва бошқа йирик мутахассисларнинг салмоли таңқиқтлари нашрдан чиқарылди. Жамият ҳаётіга социология фаннининг кириб келиши жамоатчилик фикрининг ижтимой ахамияттегі кескін кучайтырды. Жамоатчилик фикри социология фаннининг узвий таңқиқтот объекти сифатида атрофична ўрганила бошлианди. Буюк Британия жамоатчилик фикри институтининг директоры Г.Дюрөт жамоатчилик фикри жамият маңынан ҳаётінинг тор маңындағы мұраккаб ижтимой ҳодисасы эканлигини қайд этиб, ана шу мұраккаблар болып уни лўйнда ва яхлит гавсифлаш ватанында имкони ўйқулигини, бу жараённинг күл билан ушлаб бўлмайдиган, кўз билан кўриб илғамайдиган, ҳеч қандай ўлчовларга тушмайдиган серкірра ҳодиса эканлигини таъкидлайды.

Шубҳасиз жамоатчилик фикри кишиларнинг у ёки бу ҳодисага нисбатан бўйлайдиган этирозий ёхуд этирофий муносабатлари, таклиф ва истаклари жамланыссадир. Америкалик социолог Уолтер Липманнинг фикрича, жамоатчилик фикри кишиларнинг умумий, жамоавий мәнфайларни ифодасидир¹. Англиялик файласуф Жон Локк жамоатчилик тәсір доирасини торайтириб түшунтиришга уринади. Уннің фикрига кўра, жамоатчилик фикри жамоа ахлоқий қараңдарнинг ифодасидан бошқа нарса эмас².

Атоқли француз ёзувчиси ва файласуфи Жак Мармонтель жамоатчилик фикрига катта баҳо беріб күчилік томонидан илиари сурілувчиғоз ва талаблар мөхият этиборига кўра ҳалоллик ва ҳакиқатдан иборат бўлишини таъкидлайди ҳамда бу ҳаракатта ижтимой тәсір-тазиқ, кўллашларини ҳар томонидама кенгайтириш лозимлигини уқтирағи: "Ҳар бир ҳолатда уч асосга яъни ҳалоллик, ҳакиқат ва фойдалылык мезонларига таяниш лозимдир "деб таъкидланған.

¹ Социология. Ўқуп кўлланма Т., А.Кодирий пәннедегі ҳалқ мероси наприёти 2002йыл, 169-бет.

² Уша жойда, 169-бет

³ Уша жойда, 170-бет

Ижтимоий тараққиёттинг кейинги босқичларида, асосан XXI асрга келиб жамоатчилик фикрининг юзага келиши, шаклланиши ва амал қилиши жарәйшаридан хамда унинг тасисир қўллашшари кенгайишида илмий билимлар иштирокида ҳар томонлама орта бошланди. Бу нарса ҳангари "Экосан", «Гринпис» сингари уюшмалар фаолиятларида экомухитни саклаш борасида ималга оширилаётган ҳангари дастурлар, ядро куроли синондарининг табиий муҳитга кўрсатадиган зарарларни асослаб ишлари сурилаётган ижтимоий ташаблар, планетамиз имкониятлари ва ресурслардан ҳужасизларча фойдаланишга карши ҳаракатларда якъол ифодасини топмоқда. Зеро жамият ҳаётiga илмий билимлар, фан ютуклари тасирининг орта бориши ижтимоий онцинг инсонийлашувин тенденциясини кучайтириши табиийдир.

Жамоатчилик ҳодисасининг мухим таркибий қисми ва бу жараённинг белгиларидан бири қишиларининг ижтимоий воқеълик хусусицаги тасаввурларнинг нечоғлик ҳаққонийлиги, уларнинг мағфуравий тасисир-тазиқчардан ҳолилиги хамда жамоавий фикр қарашларининг мазмунага яқдилигидан иборатидир. Жамоа аъзоларининг ўзаро муносабати нечоғлик мустаҳкам, бегазар ва табиий бўлса, жамоавий фикр ҳам шунчалик ҳаётий кучли ва яхлит мазмун қасб этади. Улуғ мутафаккир Ибн Синонинг фикрича, «...ўзаро боғликлик ва алмашув жараёнларида инсонлар бир-бирларидан қандайдир муҳтоҷлиқдан ҳоли этадилар.

Бунинг учун инсонлар ўртасидан ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва конунлари ўрнатилади.¹ Жамоатчилик фикрининг инсон шахсига ишонч ва умиди муносабати уни қишилар ташвишига жонкуяр, бева-бечора, етим-есирларга меҳрибон, ҳалқ тақдирига ҳамоҳанг ижтимоий куч сифатида шаклланишига имкон тутудиради. Жамоатчилик фикрининг шаклланишига оммавий аҳборот воситалариининг, радио, телевидение, жамоат таъкидларининг фаолиятлари кучи тасисир кўрсатади.

Ислом дунёсида фикр алмашув масаласига жиддий эътибор қилиниб бу омил инсонларни нафракат ўзаро жишишларни, балки уларнинг ҳақиқатини англашга ва пировардида эса ҳалқка яқинлаштиришга хизмат қилиувчи восита эканлиги уқтирилади. Тасаввурфунинг буюк намоёндаси Ҳожа Баҳовуддин Накшбандийнинг бу ҳақдаги ўз қарашлари ибратта лойик: «Толиб аввало бизнинг дўстларимиз билан ҳамсұхбат бўлиши зарур, токи унда бизнинг сұхбатимизга ишсебатан қобилият пайдо бўлсин»². Улуғ ҳазрат умумий, яхлит фикри шакллантаришдан бош максад, ҳақиқатни билмок, мөхияттан ҳалқка яқинлашмок эканлигини, бунинг учун эса бевосита мулокот, баҳс, сұхбатлар асносида ҳар бир инсон ўзлигини чукурорк англаб олини зарурлигини таъкидлаганилар.

Жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши.

